

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

## Шаҳар ва туман хотин-қизлар конференцияларида

# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ОРТСА...

**Фарғона шаҳри аёллари янгидан сайланган бошқарувни ана шунга давват этишди.**

Конференция шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Раънохон Бойқўзиёвнинг ҳисобот маърузасини тинглади. Эътироф этилишича, ҳисобот даврида бошланғич ташкилотлар 25 тага кўпайган. Ҳозирда маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда сафларига юз мингдан зиёд аёлни бирлаштирган 300 та бошланғич ташкилот фаолият юритаётир. Уларнинг барчасида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишларида хотин-қизлар энг фидоий аёлларни ўзларига етакчиликка сайлаб олдилар.

Ҳисобот даврида бутун фаолият ўтган конференцияда тасдиқланган уч йўналишда олиб борилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга эътибор кучайтирилди. Бугунга келиб, ҳалқ таълими, тиббиёт, маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа соҳаларда 1300 нафар аёлларимиз куюнчаллик билан меҳнат қилишмоқда. 70 нафар маслаҳатчи ўз вазифаларини дилдан англагани ҳолда ишлаб, эл ишончига кира олди. Бир нафар аёл Олий Мажлис қонунчилик палатаси, бир нафари вилоят Кенгаши, беш нафари шаҳар Кенгаши депутатларидир. Аммо бу ҳолат билан асло келиши бўлмайдми. Бу борада бошқарув ҳам, фаоллар ҳам ўзларига берилган имкониятдан етарли даражада фойдалана олмаганикларидан 30 фойзлик квотага эриша олинмади.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш дастурининг ижросига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳисобот даврида шаҳар ҳокимининг 2005-2007 йилларда

аёлларни иш билан таъминлаш юзасидан дастури ижросини назорат қила бориб, бошқарув тавсиясига кўра 7869 аёл ишга жойлаштирилди. Юздан зиёд ёшлар ўзлари ёқтирган касб бўйича ўқишга йўналтирилди. Бу борада меҳнат ва бандлик бўлими билан ҳамкорликда 15 марта ўтказилган меҳнат кўргазмаларининг аҳамияти катта бўлди. Шунингдек, бошқарувнинг тавсиясига кўра, 54 оила қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредит олди. 167 бош қорамол бепул тарқатилди. Тадбиркор аёлларга 1 миллиард 78 миллион 600 миң сўм кредит ажратилишига эришилди. Президентимизнинг шу йил 18 майдаги Фармонлари асосида ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаб олишлари учун 16 миллион, уй қуриш учун 17 миллион, истеъмол товарлари сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларига 348 та оиллага 359 миллион 300 миң сўм кредит маблағлари ажратилишига имкон яратилди. Бу ҳаракатлар давом этапти.

Маърузачи низомий вазифалардан келиб чиқиб, муҳтож ва яққа-ёлғизлар билан олиб борилаётган ҳаракатлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни кўтариш борасида қилинган ишларга ҳам тўхталди. 341 нафар ногирон аёл турли сыхаттоҳларда соғломлаштирилди, 600 дан зиёд хотин-қиз санаторий-профилакторияларда бепул даволанди. Тиббий кўриқдан ўтказилаётган туғиш ёшидаги аёллар, қизларнинг деярли иккидан бирида турли хасталиклар аниқланаётир. Бу, аҳоли тиббий саводи ва маданиятини ошириш борасидаги ишлар самарадорлиги

ҳамда давлат сиёсатини амалга оширишда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари кўрилди.

Шунингдек, хотин-қизлар кўмита раисларининг 2,5 йиллик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари тингланди ҳамда хотин-қизлар кўмита раислари қайта сайланди. Конимех, Хатирчи, Томди туманлари фаолиятлари қониқарли деб баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари М.Бурханова, А.Бобомуродова, Олий ва ўрта таълим



пастлигини кўрсатиб турибди. Маърузачи ҳисобот даврида аёллар, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ортганлиги, саккиз нафар хотин-қиз ўз жонига қасд қилганлиги, уч нафар оналар ўлими қайд этилганлиги, шаҳар ички ишлар бўлими томонидан 60 нафар энгил табиатли аёл рўйхатга олинганлиги ачинарли ҳол эканлигини афсусланиб тилга олди. Бу, албатта бошқарувнинг ҳуқуқ-тартибот органлари, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан олиб бораётган ишлари етарли самара бермаётганлигини кўрсатади, албатта.

Маърузачи юзасидан музокаралар қизинг ўтди. Конференция бошқарувнинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли баҳолади. У бошқарув янги таркиби, раёсат аъзолари, вилоят анжуманига делегатлар сайлади. Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раислигига яна Раънохон Бойқўзиёва сайланди.

Конференция ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Хўжаева, шаҳар ҳокими А. Аллаяровлар иштирок этишди ва сўзга чиқиди. Улар Фарғоналик ҳар бир аёлнинг тинчлиги, хотиржамлиги, иқтисодий- ижтимоий кўтаринкилиги, маънавий-ахлоқий маданияти кўп жиҳатдан жамоат ташкилоти бошқарувининг самарали, таъсири фаолиятига боғлиқ эканлиги, бу эса улардан ўта масъулият ва ташаббускорлик билан ишлашни тақозо этаётгани хусусида гапириб, янгидан сайланган таркиб олдига конкрет вазифалар юкладилар.

**Х. КАРИМОВА**

## ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** Чирчиқ шаҳрида хотин-қизлар кўмитаси ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шохид Ирисметова ютуқ ва камчиликлар тўғрисида маъруза қилди.

Шаҳримиз аҳолиси сони 141.600 та бўлиб, шундан 71.375 таси хотин-қизларни ташкил этади, - дейди ўз маърузасида Ш.Ирисметова.

Худудимизда ишлаб-чиқариш корхоналарининг кўплиги, миграция - бошқа шаҳарлардан кўчиб келиш жараёнини йил давомида кўпаяётганлиги боис, хотин-қизлар ҳаётида ҳам қатор камчилик ва муаммолар мавжуд. Жумладан, хотин-қизлар жиноятчилигининг сабаб ва оқибатлари, оналар ва болалар ўлимини камайтириш бирмунча камайган бўлса-да, бу муаммоларни бартараф этиш зарурияти олдимизда турган энг асосий вазифадир.

Тадбирда худди шу масалалар ҳамда тадбиркор аёлларга кредитлар ажратиш бора-

сида ечимини қутаётган масалалар танқидий-таҳлилий жиҳатдан муҳокама этилди ҳамда келгуси вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Анжуман қизгин мунозаралар асосида ўтди.

Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб Шохид Ирисметова қайта сайланди. Шунингдек, бу йилги ҳисобот сайлов тизимидаги янгилик - кўмита раисларининг уч йўналиш - ижтимоий-сиёсий, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий масалалари бўйича раис ўринбосарлари сайланди. Бу эса хотин-қизлар кўмиталарининг ишини янада яхшироқ натижа ва кўрсаткичларга эга бўлишига замин яратиши шубҳасиздир. Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоевлар иштирок этишди.

**Хулқар ХОТАМБОЕВА**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ** шаҳри ва туманларида хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисобот конференциялари бўлиб ўтди. Жумладан, Учқўрғон туманидаги йиғинда хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур асосида 1845 та ўрнига 2020та янги ишчи ўринлари яратилгани, бу натижа асосан уй меҳнатини ташкил этиш ва аёлларни тадбиркорликка йўналтириш ҳисобига эришилгани ҳақида гапирилди. Тумандаги Охунбобоев МФИдаги зардўзлик ўқув марказида 56 нафар, Ўрдабўғ МФИ даги "Мафтуна" ўқув марказида кўплаб қизларнинг ҳунар ўрганилганлиги ҳам таъкидланди.

Норин туманида эса хотин-қизлар кўмитасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликдаги фаолият натижасида ноқобил оилалар сонининг 10тага, нотинч оилаларнинг 48тага камайгани, фаолият олиб бораётган тадбиркор аёлларнинг 348 нафарига 2007 йилнинг 6 оқи давомида 1 миллиард 783 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилганлиги қувончли ҳол

сифатида айтилarkan, шу билан бирга йўл қўйилган камчиликлар- оилавий ажралишлар ҳамда болалар ўлими ва ногиронлигининг камайганлиги тилга олинди.

Барча ҳудудлардаги хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ҳисобот конференцияларида аёлларни иш билан банд қилиш, она ва бола саломатлиги, оилавий ажралишларнинг қай даражада олди олинганлигига эътибор қаратилди. Жойларда бу йўналишларда маълум даражада ютуқларга эришилган бўлса-да, аммо айрим туманларда қасд ва суиқасд ҳолатларининг ўсиши, гўдаклар ўлимининг олдини олишда тизимли равишда иш ташкиллаштирилмаганлиги сингари камчиликлар ҳам қайд этилди. Бир ой мuddат ичида бу камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бosh мутахассиси М.Тўйчиёва, Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Раҳимова ва вилоятнинг фаол аёллари иштирок этишди.

**САНОБАР**



Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**нинг барча шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференцияларида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

вазирни ўринбосари Х.Хайдаров, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари Г.Йўлчиёва, Олий Мажлис депутати, сенатор Р.Валиева, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ибрагимовалар сўзга чиқиб, кун тартибиде кўрилган масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзаро фикр алмашув ва мулоқот жараёни мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

# УНИНГ ДИЛИ ЁРУҒ, ЙЎЛИ ЁРУҒ



Бу аёлнинг исмини бекорга Мунаввар қўйишмаган. Ёруғ тақдирини, чарогон кунларини орзу қилишган. Мунаввар опага шундай кунлар насиб этган. Афсоналарга айланган бир чиройли юрт - Ургутда ўсиб-улгайди. Баланс тоғлардан гурурини, чинорлардан бардошни, булок сувларидан тиникликни ўрганди.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Узун сочларини киртка қилиб ўриб, чўққилардан алвон лолалар излаб юрган дамлари жуда тез ўтди. Қўлига етуклик аттестатини олиб, Самарқандга учиб-қўниб келди. Савдо институтини талабаси бўлди.

Институтини битириб, Ургут туман матлубот жамиятида ишлай бошлади. Энг ўқимишли, нодир китобларни топиб келиши, ҳамюртлари қалбига ёруғлик олиб келиши унинг мақсади, талаби эди.

Мунаввар Уринова бадиий китоблар ўқийши севар, ўзига ёққан шеърларни ёд олар эди. Тиниб-тинчимаи Мунаввар ишнинг кўзини биллиши, одамлар билан тез тил топишиб кетиши туфайли одамларнинг назарига тушди. Тез орада матлубот жамияти раиси вазифинига кўтарилди. Ургутликларнинг кўзи савдода пишган. Савдогарлари жаҳон бозори билан рақобат қилади. Энг харидоригир ва арзон моллар Ургутда топилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда машхур ва катта Ургут бозорига

ўша кунларда асос солинган бўлса не ажаб... Савдода кўзи пишган одам халққа яқинроқ бўлади. Кимга нима кераклигини, унинг имконларини яхши билади. Инсофи бор, тадбиркор инсонни ҳамма хурмат қилади. Шу боисдан Ургутга шаҳар мақоми берилганда, Мунаввар Уринова ҳоким этиб тайинланди. Аввал ижрокўм раиси бўлиб ишлагани қўл келди. Ургутнинг молиявий аҳволини опа яхши биларди. Ургутни гўзал, озода, афсонавий шаҳарчага айлантириш учун бор кучини аямади.

Қурилиши тўхтаб қолган мактаб куриб битказилди. Болалар дунёси, хўжалик моллари дўконлари замонага мослаб, қайта қурилди. Шаҳарга кўрк бўлиб, Универмаг қад кўтарди. Қурилиш ишларида халқ усталарининг тажрибасига таянди.

Маҳобатли, нақшинкор, ўймакор дарвозалар, эшиклар, ромлар кўрганни маҳлиё айларди. Ургут чеварлари тиккан чопонлар, палаклар, кашталар, зардўзи кийимлар, хунармандлар ясаган сандиқлар, бешиклар шўхрати оламга ёйилди.

Мунаввар опа халқнинг яхши-ёмон кунларига шерик бўла-бўла, уларнинг энг яқин одамига айлана бориб, олтимиш ёшга етибди. Ургут юксалган сари, опанинг орзулари ҳам, эл ичдаги орзулари ҳам юксалиб борди.

Ургут туман ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаган кезларида халқига янаям яқинроқ бўлди. Оилада турмуш ўртоғи билан бирга уч қиз, бир ўғилни воёга етказишди. Ўғли Умиджон Ургут туман ҳокимлигида Иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи. Келини Назирахон ўқитувчи. Қизлари Дилоро шифокор, Нигора боғча мудираси, Нодира ҳуқуқшунос. Набиралари соғомон улғайишмоқда.

Мунаввар опа ҳажга боришни ният қилганда, маҳалла аҳли

бир огиздан қўллаб-қувватлашди. Ҳамиша савоблар ичра яшаган аёлга ҳамюртларининг ишончи эди бу.

Опа тўрт мартаба вилоят кенгаши депутатлигига сайланди. Ҳозир ҳам Алишер Навоий номи савдо корхонасини бошқариш билан бирга депутат сифатида ҳам элу юрти билан елкама-елка яшамокда. Туманда туризмини ривожлантириш, сайёҳлик маркази ташкил қилиш, уйгага сервис хизматини йўлга қўйиш мақсадида елиб-югурмоқда.

Ургут жаҳон аҳли келиб томиш қилса арзийдиган юрт. Унинг тупроғига қоришиб, оромини қуриқлаб буюқлар ётибди. Уларнинг ҳоқи туробини зиёрат қилмоқ ниятида юрганлар қанча... Қолаверса, ҳар доим тўрт фаслани ўзида мужассам қилган табиати, минг-минг йиллик минглаб чинорлари, ноёб баликларга кон чашмалари, ой билан юзлашган чўққилари, қўли гул чеварлари, хунармандлари бор.

Ва яна кўриб, суҳбатлашсанг хузур қиладиган, узидан ўзгаларга нур, зиё берадиган одамлари бор. Меҳмонларнинг кўзини ўйнатадиган, ҳар кимнинг дидага, ҳамёнига муносиб тўхфалар топиб бера оладиган бозори бор.

Мунаввар опа юртининг гўзаллигидан, неъматларидан фохрланади. Самарқанд вилоят хотин-қизлар кўмитасининг пленум аъзоси, Ургут туман хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви аъзоси сифатида ҳаммиша кўзгун ҳаёт курушди. Ўзининг ургутликлари билан бирга. Мунаввар қалбининг нурлари билан жилоланиб, ўзгаларга ёруғлик ҳада этиб яшайверади.

**Ҳосият БОБОМУРДОВА,**  
Самарқанд.



## МОЙКИНДИК ЯЙЛОВИ БЕКАСИ

Новвот опа Жуманазарова бахтини ҳам, тахтини ҳам чорвадан топган аёл. Турмуш ўртоғи машхур чорвадор Чўлибой Жуманазаров унга қўлқанот бўлди, кўра-кўтонлари тозалаш, молларни сугориш, ҳатто гарм-чармга ҳайдаш ҳам унга суянак бўлди.

Бир кам дунё ана шундай бахтли оила кўнглини кемтик қилди. Тўрт ўглини бағрига босиб, 39 ёшида Новвот опа бўзлаб қолди. Суякли ёри, мард инсон Чўлибой боқий дунёга мангу рихлат қилганди.

У кунларни эслаш нақадар оғир бўлмасин, аммо асло унутмайман, - деб эслайди Новвот опа. - Йўқотиш менга қаттиқ зарба бўлган. Бугун меҳнатим роҳатини, фарзандларим хузурини кўриб юрибман, афсус отаси кўрмай кетди.

Бугун опанинг ўғиллари Русам ва Акмаллар оталари юрган йўлларда унинг изларини кўмилмаслиги учун ота касбини давом эттирмоқда. Улар икки отарга бошчилик қилишади. Аммо ишни бошқариш опа қўлида. Шартномавий режалар доимо ортиги билан бажарилмоқда. Суҳбат асносида опадан:

- Келинларни ўзингиз танлайсизми ёки... - деб сўрадик. - Ҳали танлайман. Ва қизимдек қабул қилиб, чўпонликнинг нонини ейиш учун «темир тишлар» кераклигини бот-бот ўқтириб, билмаганларини ўргатаман. Қийналган пайтлари қараб турмай, болаларига қарайман, юмушларига кўмаклашаман, - дейди опа юзида нур, лабидаб табассум билан.

Қалбингиз кенг, юзингиз нурафшон, дилингиз очик бўлса, дастурхонингиз ҳам, дарвозангиз ҳам очик бўларкан. Бу гапнинг ҳақлигига Новвот опа мисолида яна бир марта гувоҳи бўлдим. Қачон қараманг, уйда меҳмони бор. Умрининг ҳар бир кунини дўстлари, яқинлари ва меҳрибонлари билан ўтказишни хуш ёқтиради опа.

Ҳа, Нурота туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалигининг Мойкиндик яйловига ташир буюрган киши борки, Новвот опанинг бир пиёла иссиқ чойи-ю, унинг суҳбатга чорловчи дилхуш каломидан баҳраманд бўлмаган бўлса. Тилагимиз, илоҳо яйловингиздан баракат, уйингиздан азиз меҳмонларингиз ариманси, Новвот опа.

**М. АҲАТОВА,**  
Новий вилоят,  
Нурота шаҳри.

## МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

**Сурхондарё вилояти ҳокимлигида Денов ва Шеробод туманлари маслаҳатчиларининг суҳбати устидан чиқдим.**

- Илгари полвон йигитлар ҳақида гап кетса, «кураги ерга тегмаган» деб сифат беришарди. Энди бу атамани ҳам қизлар илиб кетишди... деди **Шеробод тумани «Катта ҳаёт» маҳалла маслаҳатчиси Бибинона Бахромова.** - Маҳаллада «Теннисчи қизлар» тўғрагини очувдик, бир гуруҳ қизлар эса: «Кураши қизлар даврасини ҳам тузайлик», - деб қолишди. Тез орада айтганларини муҳайё қилдик. Ҳомийлар ҳам маҳалланинг узидан чикди. Қиз-жувонлар шугулланишлари учун спорт анжумлари сотиб олдик. Кун бўйи касаначилик, уй меҳнати билан шугулланиб,

оқшом уй-рўзгорни тинчитгач, «курашчиларимиз» маҳалла идорасига келиб, истаганларича машғулот ўтказишади. Шундан буён полвон қизларимиз билан теннисчи қизларимиз республика мусобақаларида голиб бўлиб, қимматбах мукофотлар олиб қайтишяпти. Туманда «Таянч маҳалла» деб ном олганмиз. Худода шукр, бизда «оталикни белгилаш», «ёлғиз оналар сонини камайтириш» деган туғунларимиз йўқ. Битта-яримта нотинч оилаларнинг аҳвол-руҳиятидан бохабар бўлиш учун маҳалла фаоллари доим сергак.

**- Денов туман «Толқишлоқ» маҳалласи маслаҳатчиси Муҳаббат Султонова сўзи:**

- Бизнинг «Толқишлоқ» маҳалласида ҳам никоҳсиз яшаётган оилалар, йўлдан адашган ўсмирлар йўқ. Бировнинг

ночорлиги ёки хасталиги ҳақида хабар топилса, кўпдан кўён қочиб қутилмас, деганларидек, маҳалладошлар дарров биргалашиб, ёрдамга шошилишади. Яқинда маҳалла аҳли кам таъминланган оила аъзоси М.Эшмуродованинг касалхонада даволаниб чиқишига кўмаклашишди. М.Ҳожиқурбоновани ногиронлик нафақасига чиқишига ҳам маҳалладошлар бош-қош бўлишди. Маҳаллада гап кўп экан... Мана, ишсиз юрган опа-сингилларимизга ўз уйларида бешик жиҳозлари учун тикишни ташкиллаштириб берувдик, бинийидек даромад қилишяпти. 6 нафар чеваримиз эса уйда ҳаваскор қизларга тикиш-бичишни ўргатиб, дуо олишяпти. «Соғлом оила» лойиҳаси бўйича тиббий маданиятга ҳам алоҳида ургу бераямиз. Шифокорлар ҳар бир хонадонни мунтазам тиббий текширувдан ўтказиб туришади. Профилактик муолажаларни қўллашади. Бу ҳам ўз ўрнида оилани моддий қўллаб-қувватлаш-да...

**Ҳа, ҳаракатда баракат, деб шуни айтишади-да!**

**САНОБАР**



- Боғчамизда 160 тарбияланувчи ва 60 ўқувчи бор, - дейди Марғилон шаҳар «Нихол» номли 1-болалар боғча-мактаб мажмуаси мудираси Турсун опа Арабжонова. Уларга инглиз

тили, рус тили фанлари, компьютер ҳам ўргатилади. Муслиқ, доира, қаратэ тўғрақларига ўқувчилар қизиқиб қатнашадилар.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Аxbорот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Онлайн ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сийсий ҳаётдаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

**Самарқанд!..**

Етмишнчи йилларда бизнинг тоғлар ортидаги овлоқ қишлоғимизда эндигина электр чироғи ёнган кезлар... Чирок кечкурун қош қорайгандан кейин ёниб, соат 12.00 да ўчирилди. Бир куни отам Мулло Иймонмурод қўшимиз Мулла Алимон бобо билан Самарқандга жума намозиға бориб, антиқа совға олиб келди. «Нилуфаргал! Тунчирок, Симларини тоққа уласса, Самарқанд кўринади!»

Кўни-кўшилар, бола-бақра бир ўй бўлиб, қоронгу тушишини сабрсизлик билан кутаямиз, ҳаммамизнинг диққатимиз кўзларимизда. Катталар чордона

**Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига**

...?

- Болаларим, мана, эшитинг. Илгарилари ҳукмдорлар, жумладан Амир Темур ҳам қабрига қурол-аслаҳалари, қилчи, кийимлари, байроқ (туғлари) билан қўйилган. Яна у буюмлар олтин, забаржад, олмос каби қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган. Гўр-мақбара саҳнага эса ипақ гиламлар тўшалган. Шерозлик моҳир усталар томонидан ясалган пўлат тобутга солиб дафн қилинган.

Орадан тўрт йил ўтиб, 1409 йилда май

жараси»да ўқиганда, янада ажабландим). Қаранг, Амир Темурнинг набираси Ҳалил Султон Мирзо сизнинг ёшингизда ҳам жуда қатъиятли, ҳарбий салоҳиятли, жасур йигитча бўлган. У ўн беш ёшидаёқ бобоси билан Ҳиндистон юришида иштираётган эди. Деҳли остонасида Темур қўшинлари Султон Маҳмудхоннинг лашкарлари билан тўқнашади. Ҳинд қўшинларининг 500 жангчи филлари жанггоҳга кириб, наъра тортиб, туями, олтиқми, пиёдами поря-поря қилиб, аёвсиз тоғтаб,

Сўғдиёна! Она, сени бағримга қаттиқроқ босиб, қулоқ тутаман: замину замон қаъридан отлар дупури келади. Отлар! Арабий тулпорлар!.. Жанглар, жанггоҳлар... Тож-тахт илинжида бола-сига қилч кўтарган падарлар, падарининг бошини кесган падаркушлар...

Сарбадорлар - дор остига бораётган самарқандлик фарзанди аржумандлар! Эрк, ҳуррият излаган озурда, орзумандлар...

**Ўйларимга Ватан суймоқ - ор, иймон бўлиб кирдинг, Самарқанд!..**

**САМАРҚАНД**

қурган, ёшлар, болалар кўлларини тиззаларига қўйганча энгашиб, «Лилия»га тикиламиз. Гўёки ҳозир сеҳргар кампирнинг сирли сандиғи очилдиғандай. Акам билангонлик қилади: «Ҳозир Самарқанд, Гўри Амир чиқади!»

Ниҳоят «Нилуфаргул» ёнди:

- Ур-ре, Самарқанд! Ана, Самарқанд!

Пасттақина, тоқчалари кўп, томида кизгалдоқлар очиладиған, лойсувоқли, аммо иссиқ меҳрга тўла уйимизга, менинг митти қалбимга илк бора шундай ҳаяжон-у ҳайрат билан кирдинг, Самарқанд!

Кейинчалик Мактаб...  
Деразага энгашган толлар,  
Ойдин орзуларга тўлган синфхонам.  
Муаллимим, ҳануз фахру қошонам,  
Хайрон кўзларимда қолган кошонам!..

Мактаб! Ў!.. Бизлар бу оддийгина, паҳса деворли, пешайвонли мактабни қандай яхши кўрардик-а? Бозор кунларининг ўтиши ўта оғир, зерикарлик эди. Тезроқ тонг отса-ю, мактабни, тарих муаллимимиз Абдуғаффор Умрзоқовни (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) кўрсак...

Муаллим дарёбёт томондан оқ эшагини миниб келарди. Кўриниши ҳамона бир синф бола пешвоз югуради:  
- Муаллим келаяпти! Ана, муаллим келаяпти!

Илгарироқ етган болалар устозга салом бериб, қўлидаги малла саҳтиёнли папкасиға ёпишарди. Биларимиз эшагини бўзга бойлаб, олдига ўт юлиб солардик.

Яна тарих дарси. Муаллим ҳайрат тўла нигоҳларни, хаёлларни, тасавурларни, шу торгина синфхонадан, кўҳна қишлоқдан олиб чиқиб кетарди. Минг йиллик мозийдаги жанг-жадаллар, уруш ва унинг аянчли асоратлари, не-не жаҳонқирлар, улар қурдирган салтанат-саройлар, мадраса-гумбазлар ҳақида айттарди. Ва айланиб келиб, аждодларимиз яшаган шу табаррук тупроққа Самарқандга қайтарди:

- Болаларим, - дерди, кўзларини яриям юмганча. - Биласизларми, Амир Темурнинг байроғи қайси рангда бўлган?


- Оқ!

- Қизил!

- Қўк-яшил!

- Ҳўп. Унда ким айтди? Нега уни вақтинчалик Муҳаммад Султон Мирзо мадрасасидаги даҳмдан махсус мақбарасига қўчириш учун қабрини очганда қора мато чиққан?..

**(Бадиа)**



ойида Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохруҳ Мирзо Самарқанд тахтини эгаллагач, отаси қабрини зиёрат қилиб, исломий шариат қонун-қоидаларига риоя қилиб, Соҳибқирон даҳмасидаги кийимларни, қурол-аслаҳаларни, ҳамма қимматбаҳо безакларни хазинага қайтарарди. Амир Темур ва Муҳаммад Султон Мирзо жасадларини пўлат тобут ўрнига арча тобутга солиб, ҳозирги «Гўри Амир» мақбарасига дафн эттиради.

Синфга сукунат чўккан. Болалар партадошини эмас, ўзини ҳам унутган...

- Ҳўш, энди билсаларингиз, Амир Темурнинг пиру устози, диний раҳнамоси Саййид Барака эди. Пир Саййид Барака Маккатилло зиёратидан қайтаётганда Темур ҳам жангда ғолиб бўлиб, устози зуурига пешвоз чиқади. Пирни галаба билан қутлаб, Маккатиллодан олиб келаётган қора матодан бўлақчасини беради. Амир Темур пири берган қора мато парчасини баланд кўтариб: «Мана, менинг энг шоён, музаффар туғим, шул эрур!» деб айтади. Жуда қизик-а?..

**Ҳокисор муаллим сиймосида бир сийрат бўлиб кирдинг, Самарқанд!**

- Сизлар, болаларим, - дерди яна муаллим. - Ўзингизни ҳеч вақт биз ёшмиз, ҳали қўлимиздан ҳеч иш келмайди, деб ўйламанглар (орадан йўнгирма йиллар ўтиб, бу ҳикоятларни «Темурийлар ша-

қалга яқин йўлатмайдилар. Амир Темур бу ҳолатдан қаттиқ дарғазаб бўлиб, гама ботади. Шунда Ҳалил Султон Мирзо босига янги бир фикр беради: Кечаси беш юз-олти юз кажава (сават)га эски-туски пахта-латталарни қўйиб, туяларга ортишади. Хар бир туянинг ёнига биттадан машъала тутган аскар қўяди. Жанг ноғоралари чалиниши билан туябонлар туялар устидаги саватни ёндириб юборишади. Ўз устида олов ёнаётганини кўрган туялар эса даҳшатдан бўкириб, олға югура бошлайдилар. Ҳиндистоннинг жанговар филлари гарчи туяларни кўп кўрган бўлсалар-да, бундай ёниб бораётган туяларни кўрмагани учун қўрққандан орқага қараб қоча бошлайдилар. Жон аччиғида ўз ҳинд пиёда қўшинларини янчиб кетади. Қўрдингизми, болалар заковат ёшда эмас, бошда бўлади.

**Нимгина жуссамга бир шиддат-гайрат бўлиб кирдинг, Самарқанд!..**

Регистон! Расадхона! Пиллапоаялардан чиқиб, самога нигоҳларимни ботириброк тикиламан. Қорачиғимда юлдузлар қалқийди. «Зижки Қўрагоний» қатларидан, 1002 та юлдуз оралаб, ўз юлдузимни, туб илдизимни излайман, излайвераман...

**Кўзларимга илму нуҷум-осмон бўлиб кирдинг, Самарқанд!**

Беш йил аввал Савр ойида, тоғ бағридаги янги ҳовлимизга бир қуш учиб келди. Қушқи чиройи кўзларингизни олади. Қанотлари сап-сарик, Бош тарафлари ям-яшил, бўйнида эса мовий-мовий тарамлари бор. Шундай чиройли, шундай чиройли, йўқ, мен барибир таърифлаб беролмадим. Сиз ўзингиз ҳам уни кўришингиз керак-да. Хар хилча сайрайди: гоҳ недандир гапгин бўлиб, нолакор фиғон чекади: «Чағ-Ға-ча!» Гоҳида эса жилғаларнинг жилдирашидай майин, мулоийм: «Кий-йи-ку, кий-йи-ку!»

Раҳматли энам ҳовлида ҳассада айланиб юриб, бирдан тўхтади:

- Эй, Самарқанд қушми? Қаерда сайраяпти? Ҳа-а, мана олмурутнинг шоҳида экан.

- Бу Самарқанд қушми, эна?.. Мен ўзимча «олтин қуш», «гўзал қуш» деб айтаман. Хар хилча қилиб сайрай экан-а...

- Хар хилча эмас, етти кий сайрайди. Каттақўрғонда, отанг турмахонада ётганида кўргани борганимда кўриб эдим. Самарқандда, Темур подшо қурдирган Боғи Нав, Боғи Беҳишт боғларида кўпайтирилган экан.

Энди руҳим боғларида сандилоч (сава), қарлуғоч (қалдирғоч), сандувоч (булбул) ёнида яна бир гўзал қуш «Самарқанд қуш» пайдо бўлади.

«Самарқанд қуш» сайрайапти!

**Кўйларимга 2750 йиллик, балки ундан-да қадимийроқ етти хил оханг, етти тур наво бўлиб кирдинг, Самарқанд!..**

Зарафшон!  
Пойингда Туронзамин нурафшон!  
Менинг шоир дарём!

Келсам, соҳилингда сингган руҳим синиқлари санчилиб, яна синиб қоламан. Тавофга бош қўйсам гар, жоним-да тўкилар, қўтаролмай ўлиб қоламан. Сўнгра қалам тутган ношуд фарзанд оқ қоғоз олдига айтолмаган девонадай, гунг-лол туриб қоламан, гўё ақдан озаман!

Йўқ, илло,  
**Юртим, сен мисли гўдаксан, сенинг ҳақингда**

**Ёшларим юзимни ювиб ёзаман, Ойнинг шуълаларин поёндоз қилиб, Қўркув, ваҳимани қувиб ёзаман: Эй, «рўйи замин сайқали» онажон**

**шаҳрим, Дунё тургунча тур, жонажон шаҳрим! Самарқанд!..**

**Саъдина БОБОМУРОДОВА, Жиззах вилоят маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси.**

Қадрли газетам саҳифаларида ўзим билган одамлар, воқеалар тўғрисида мақолалар ёзиб келаяпман. Ёзганларимни газета саҳифаларида ўқиб, жуда-жуда қувонаман. Бу йилги кишининг триппи жуда қаттиқ келди. Ҳамма қатори мени ҳам чеклаб ўтмади, кўрпа-тўшак қилиб ёттирдим. Кичик ўғлим: «Ойи, хат ташувчи сизни сўраяпти?» - деб қолди. Бир ҳолда чиқсам, почтани: «Сизга «Оила ва жамият» газетасидан хат бор», - деди. Негадир уялиб кетдим: «Танбеҳ хат бўлса-чи?» - дедан фикр миямдан чарчалакдек айланди. Қўл қўйиб,

**ОҚ ҚОҒОЗ ОРҚАЛИ  
УЧРАШИБ ЮРАЙЛИК**

хатни олиб қолдим. Хатни очиб, ўқисам, унда умримга умр қўшадиған шундай жумлалар ёзилган экан:  
«Хурматли Фотима Болтаева! Сизнинг ўз икходий ишларингиз билан газета саҳифаларидаги иштирокингнидан миннатдордирмиз. Сизнинг теварак-атрофдаги воқеа-ходисалар ҳақида

нимда иссиқ патир олиб синглимдек бўлиб кетган меҳрибон овсин-жоним Кундузой кириб келди. Ўқиб роса қувониб, мени бағрига босди.  
Газетанинг ҳаваскор қаламқашларга эътибори, уларни иллик сўзлар билан ёдлаб туриши ҳар қандай муқофотдан олий. Яқин

қунларда мустақиллик байрамини кутиб оламиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча-барчани, бу қутлуг айём билан чин дилдан қутлайман. Истардимки, инсонлар қалбидан меҳроқибат, қадр-қиммат кўтаралик масин, тинчлик-осойишталик юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин! Хонадонларимиз обод бўлсин! Доимо оқ қоғоз орқали оқ ва покиза ниятлар билан дилдан қувнаб учрашайлик!

**Фотима БОЛТАЕВА, Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Охунбобоев Д. Ф. У.**

**Газетанг—газета ва ҳаёт ҳақида**

содда, тушунарли, ишончли тарзда ёзилган мақолаларингизни ҳаммиса кутиб қоламиз.  
Салом билан, Бош муҳаррир...  
Кутилмаган бу қутловдан бо-шиш қўкка етди. Уйга нур кирди-гандек бўлди.  
Қувониб ичимга сиғмай турга-

нимда иссиқ патир олиб синглимдек бўлиб кетган меҳрибон овсин-жоним Кундузой кириб келди. Ўқиб роса қувониб, мени бағрига босди.  
Газетанинг ҳаваскор қаламқашларга эътибори, уларни иллик сўзлар билан ёдлаб туриши ҳар қандай муқофотдан олий. Яқин

- Йигит киши бўлиб дардини дастурхон қилиб ўтирибди деб ўйланган. Менинг бошимдан ўтаётган воқеалар бошқаларга ўрناк бўлсин, келинлар инсофга келсин, эркеклар кўзини каттароқ очсин деган умидда келдим, - дея сўзлай бошлади тахририятга келган Зуфар исмли йигит.

- **Оилангизда бирор муаммолар пайдо бўляптими?**

қайтарадиган, сал бахона билан жанжал кўтарадиган бўлиб қолди. Мен унга бекамму кўст яшаши учун ҳамма шароит ва қулайликларни яратиб бердим. Йигитлик кучим, даромадим бор пайтда шу ишларни қилмасам, менга ёрдам берадиган укам ё акам бўлмас. Мавлудага: "Нима десанг, барики муҳайё қиламан, фақат шу қарияларни дилига озор бермагин, - дедим. Йўқ, аксинча, у менга шарт қўйди:

безиган онаизорим, бизни уришмасин деб, тугунини кўтариб, ҳали синглимникига, ҳали опамникига кетади. Хар куни бир келиб невараларидан, ҳовлига эккан гулу райхонларидан хабар олиб кетади.

- **Хотинингизга нисбатан сал қаттиққўлроқ бўлсангиз, ота-онаси, ака-укаларини қақиртириб мурасага келтирсангиз бўлмайди?**

таманга тушиб олиши, мени телба қилиб қўяпти.

Бир куни онам: "Ўғлим, мен нодон ўз орзу ҳавасларимни ўйлаб, сени бирор қўзи севган-севмаганинг тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмабман. Агар ўзини тахлаб ўйланганимда ҳаётимиз бошқача бўлармиди", - деди. Мен онаизоримга қараб, асли пешонамга шундай тақдир ёзилганлигини, ундан қочиб қўтилиб бўлмаслигини айтиш учун оғиз жуфтладим-у, бу гапни айтиб усиз ҳам яраланган қалбини тирнагим келмади.

Нима қилай, опажон?  
- **Зуфаржон, ўқимишли, ҳамма нарсани тушунган йигит экансиз. Авва-**

# ОНАМ ДЕСАМ, БОЛАМ ЙИҒЛАЙДИ...

- Қани эди буни оддий турмуш нотинчликлари, рўзгор муаммолари деб атаб бўлса. Келинг, яхшиси, бир бошидан гапириб берай.

Оилада ёлғиз ўғилман. Институтни тугаллаш арафасида ота-онамнинг қистови билан ўйландим. Аслида, ҳали-бери уйланиш ниятим йўқ эди, уйлансам ҳам кўз остимга олиб қўйган бир қиз бор эди. Шу сабабли "Уйланмайман" деб оёқ тираб туриб ҳам олдим. Аммо онамнинг кўз ёшларини кўриб, ноилож рози бўлдим.

- **Онангизнинг мўлжаллаб қўйган қизи бормиди?**

- Онамнинг Сурайё исмли дугонаси яқин қариндошининг Мавлуда деган қизини мактаб-мактаб, келин қилишимизга кўндирган экан. Хуллас, мен ўша қизга уйланишга рози бўлдим.

Фотиҳа тўйимиз куни аммамга бир аёл хат ташлаб кетибди. Унда "Кўзларингни каттароқ очинглар. У қиз бир пайтлар уйдан қочиб кетган. Яхши қиз эмас", деб ёзишган экан... Хатни олиб онам, аммам, ҳолаларим уларникига боришди. Қудалар эса: "Бизнинг душманларимиз ҳам жуда кўп. Бу ўшаларнинг гийбати", деб уларни ишонтириб юборишди. Уйдагилар ҳам "Ҳақиқатдан ҳам чиройли қизларни кўплар кўрмоқдими", деган хулосага келди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Умримда мен таниммаган қиз хотинимга айланди.

Яхшигина яшай бошладик. Аммо вақт ўтиб, Мавлуда билан орамизда тез-тез гап қочадиган бўлиб қолди. Мен бунга унчалик аҳамият бермасликка ҳаракат қилардим. Тўғриси, вазиятни жиддийлаштириб, ота-онамни хафа қилиб қўйишдан чўчирдим. Бироқ, қўлингча ишдан келсам, дадамнинг кайфияти йўқ, онамнинг эса кўзлари қизарган бўларди. Мен улардан бу ҳолнинг сабабини сўрасам, ҳеч нарса айтишмас, гапни чалғитишга ҳаракат қилишарди. Аммо, "касаллини яширсанг, иситмаси ошқор қилади", деганларидек, кўп ўтмай, очикчасига менга ҳам, ота-онамга ҳам гап

- Мен ҳам уларнинг инжиқликларидан сиқилиб кетдим. Ўзим учун қачон яшайман, ахир? Гап тамом, уларга алоҳида уй олиб берасиз. Мени десангиз, иккаласини, "дом" олиб, ўша ерга чиқариб қўясиз. Бемалол яшолмасам, ўзим хоҳлаган ишни қилолмасам, хоҳлаган меҳмонимни қақиролмасам. Нима иш қилсам ўргатгани ўргатган, - дейди.

Кулоқларимга ишонмадим. Нахотки шу гапларни эндигина оила қурган, мен ҳаётимни, тақдиримни бир умрга боғлаган аёл айтаяпти? Ахир дунёда мен ота-онамдан азизроқ кишим борми? Ахир мен уларга суяниб яшайман-ку?

"Оталар сўзи-ақлнинг кўзи" кўрсатувида шундай воқеаларни кўрсатишса, "ҳаётда шундай одамлар ҳам бормикан?" деб ўйлардим. Бу савдолар ўзимнинг бошимга тушишини қаёқдан ҳам билибман.

Хуллас, турмушим ана шундай дилжиралликлар билан бошланди ва бу гаплар тўрт йил давом этди. Орада иккита фарзандлик бўлди.

Бундан бир ярим йил олдин отам қазо қилдилар. Энди онам янаям мустар бўлиб қолдилар. Мен ишда бўламан, хотиним ёш бола-си борлиги учун уйда...

Мавлуда онамни баттар чиқаштирмай қолди. Ишдан келишим билан онамдан шикоят қилишга тушади, мен унинг гапларига эътироз билдирсам, уришсам, шаллақилик қилиб, жанжал чиқаради. Болаларимни уйлмайман-да, бўлмаса ҳеч иккиланмай ажрашиб кетишга тайёрман.

Тинимсиз гап-сўзлар, жанжаллардан



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Мавлуда билан шу хусусда гаплашсам болаларимни олиб кетаманга тушади ёки бақириб, шаллақилик қилади. Ишхонанга бораман, устингдан арз қиламан, деб жанжал қилади. Онамни сарсон бўлиб юришига, уйи бўла туриб, ўз уйига сифмаслиги, бу ёқда хотиним бир гапга «Кетаман, болаларимни олиб ке-

ло дунёда ҳеч топилмас бойлигингиз-онангиз бор экан, қолаверса, фарзандларингиз. Онангизни уйингиз тўрига қўйиб, фарзандларингизга ҳам шундай эҳтиром кўрсатишни ўргатсангиз, хотинингиз ҳам охир оқибат ўз хато-камчиликларини тушуниб етар. Унга тушунтиришнинг бошқа йўллари ахтариб кўринг. Болаларимдан ажраб қоламан деб, онани сарсон қилиш фарзанд деган номга муносиб эмас.

Халқимизда "Ёмон хотин диндан чиқарар", деган нақл бекорга айтилмаган. Аёл аввало ширин тили, чиройли қалби билан оилани бебаз турсади. Зуфар ҳам болаларини астойдил яхши кўрганлиги учун, оғзидан бодди кириб, шоди чиқадиган хотини билан яшаб келапти экан. Муштиптар онасини бу аёлнинг зугумларидан сақлаб қолишга ҳам ожиз. "У билан фақат фарзандларим учунгина яшайман", дейди у. Аёлга шундай бахт керакми? Аёлга шундай оилани соҳибаси бўлиш ярашадими? Мен Мавлудага дунёда бир марта бериладиган умр ўзгалар қалбини жароҳатлашга сарфланмаслигини, ҳар бир берилган дил озори учун бир кун жавоб бериш мумкинлигини айтмоқчиман.

- **Азиз муқдаслар. Сизларда бу хусусда қандай мулоҳазалар бор? Мақтубларингизни кутамиз.**

Хулқар ХОТАМБОЕВА

- Кўпларга сабоқ бўлар деган ниятда ўз ҳаётим ҳақида гапириб бермоқчийдим. Яна менинг дил сўзларимни собиқ хотиним ҳам ўқийшини, мени кечиршини жуда жуда истардим, - дея гап бошлади кўнғирроқ қилаётган йигит. - Эшим 42 да. Бундан 3 йил олдин, ҳозир ўйлаб қарасам, арзиммаган гап-сўз, "деди-деди"лар туфайли хотиним билан ажрашдим. Икки қизимни етим қилдим. Ўша пайтда жаҳл отига миниб олиб, нима қилаётганимни ҳам англаб етмабман. Ҳамма бало хотиним ва онамнинг бир-бирлари билан тескари бўлиб қолганидан бошланган эди. Кейин хотинимнинг ота-онаси билан ҳам тескари бўлиб қолдик. Мен уларникига бормай қўйдим. Ота-онам ҳам менга бирон хўяли маслаҳат беришмади. Биз алоҳида-алоҳида яшардик. Менга жаҳл қилиб, хотиним ҳам ота-онамникига бормай қўйди. Бундан онамнинг жаҳллари чиқарди ва менга: "Хотининг бурнингдан ип ўтказиб олган. Бизларни ҳурмат қилмайди", -

# ОИЛАМ БАҒРИМГА ҚАЙТСА...

дердилар. Аслида шундай бўлишига онамнинг ҳам айби борлигини мен яхши билардим. Бироқ, онамга қарши бир гап айтолмасдим. Уйда хотиним жанжал қилади, онамникида онам. Устига-устак, онам ва синглим ҳам қачон кўришса, мени хотинимга қайрашарди.

Хуллас, у бўлди-бу бўлди, ажрашдик. Қандай катта хато қилганимни энди тушунаёйман. Энди билсам, хотинимдан бошқаси менга керак эмас экан. Чунки онамнинг қистови билан яна ўйландим. Яшай олмадим. Қаёққа қарамай, хотиним билан қизларим кўзимга кўриनावеради. 6 ойдан кейин ажрашдик. Онам: "Хотининг сени "иссиқ-сувуқ" қилган", - деб мени домлаларга олиб бориб, роса ўқитди. Фойдаси бўлмади. Чунки бу "иссиқ-сувуқ" эмас, оддий севги эканини у қаёқдан ҳам билсин. Ҳа, мен ўша ёмон деб ажрашган хоти-

## Кўнғирроқларингиз...

нимни жуда яхши кўришимни энди тушундим.

Яқинда онам бетоб бўлиб қолдилар. Шу бетоблик туфайли анча ўзгариб қолдилар. Онам: "Аввалги хотининг аслида ёмон эмасди. Мендан ҳам ўтганди", - дейдилар йиғлаб.

Энди нима фойдаси бор? Мен-ку, ажрашганимдан кейин ҳам қизларимдан хабар олиб турдим. Лекин ота-онам бувибува бўлиб, бирон марта хабар олишмади. Опа-сингилларимни-ку, айтмасам ҳам бўлаверарди. Укам ҳам амаки бўлиб бирон марта қизларимни кўрган бормади. Ахир, хотиним ёмон бўлса, болалар менинг ҳам фарзандларим-ку! Отамдан

ҳам хафа бўлиб кетаман. Ота бўлиб бирон бир хўяли маслаҳат беришга ярамайдилар. Ким қаёққа оғдирса, ўша томонга огадилар. Ўшанди бир мушт уриб, "ажрашмайсан", деганларидебу болалар бўлмасди. Энди хотиним билан қандоқ ярашаман? Ота-онам уларникига қайси юз билан боришадим? Мен-чи? Иккинчи марта нега уйланишимга ҳеч тушуна олмаман. Хотиним бу қилмишимдан кейин мен билан ярашармиди?.. Қани энди ярашса, уни биримда кўтариб юрарин. Бурнимдан бир эмас, ўнта ип ўтказса ҳам майли. Ҳеч кимнинг гапига кирмасдим! Фақат мени кечирса эди... Яна ўз оилам бағримга қайтишини истайман.

- Аёлингиз газетамиз орқали дил изхоришини ўқиб, сизни кечиршини чин дилдан тилаймиз. Мана кўрасиз, ҳаётингиз яна ўз изига тушиб кетади ҳали...

- Онахонлар! Билиб-билмай, қаёқдаги "деди"лар туфайли ўғлингизни оиласидан ажрашишига йўл қўйманг. Сиз қиз топиб, қайта уйлантирганингиз билан ўғлингиз биринчи кўз очиб кўрган хотинини унуталмайди. Болалар етим бўлишмасин.

Оталар, сиз эса оилада эркак бўлиб, қайнона-келин уришаётганлариде яраштиришга ҳаракат қилинг. Шунда ўғилларингиз мендек куйиб юришмайди.

Газета орқали хотинимга ҳам мурожаат қилмоқчиман: Азизим! Мен аҳмоқни кечир. Мени кечира олсанг, ўлгунимча қулинг бўламан. Фақат бирга яшайлик. "Сени севаман, фақат сени севаман ва ўлгунимча севаман..."

Ўз болаларим билан бир оила бўлиб яшаши жуда-жуда хоҳлайман. Мени кечир!..

НОДИРА ЁЗИБ ОЛДИ

# ГҶЗАЛЛИК АСА БЎЛСИН!

**“Қаро зулфинг не турлу хуш ярашур ол яногинга, Қилиб жонларни барҳамким кетирур кўз қароингга”.**  
**Хофиз Хоразмий.**  
**Яъни: “Сенинг қора сочинг кўп ярашур қизил юзингга, Ошиқларинг жонин олур кўз ўнгингга”.**

Ўзбек аёли гўзаллигининг бу буюк куйчиси мўъжиза юз бериб, бугун тирилиб қолсалар, қаро зулфлар ўрнида ёйилган, тўзиган малла сочларни кўриб: “Ё тангирим” деб хитоб қилиб, фиғони фалакка чиқиши аниқ. Бугун “юлдузлар фабрикаси” бўлмиш телевидение, янги ўзбек киноси, қўлбола клиплари зўр бериб тарғиб қилаётди. «Малла соч» эпидемияси талабаларга, мактаб ўқувчиларига юқиб, бошқа касб эгалари-врачлар, ўқитувчилар, идора ходимларига ҳам ўтаётди.

Ваҳоланки, буюк шоиримиз айтганларидек, аини қора соч ва қирмизи юз ўзбек аёли гўзаллигининг илк белгиларидир.

**“Сайд этди дилбарим мени ошурфа сочин, Солди каманд бўйнима икки қулочтин”.**  
**(Лутфий)**

Оналаримиз, момоларимизнинг ошиқлар бўйнига каманд бўлиб, асир қилган узун сочлари ҳам европача моданинг қурбони бўлди. Бугун мактаб ўқувчиларидан тортиб то буви-ларгача қалта, чўлтоқ соч русумига ўтиб олдилар.

Ошиқлар юрагига найза бўлиб санчилаган назик киприклар сунъий ўсиб, қаро кўзлар чимматига айланди. Бўёқ дастидан қирмизи юзлар ўз рангидан махрум бўлдилар. Раънохон, Лайлихонлар “Кимёхон” бўлиб бораётди.

Айни вақтда оналаримиз юзини булоқ сувидек тинки, сочини узун, қошини қалин, кўзини шахло қилган минг йиллик миллий косметикамиз, эстетик анъаналаримиз унутилиб бораёпти.

Гўзаллик ҳамма вақт миллий маънога эга бўлган. Ҳар бир миллатнинг тарихан ва табиадан шаклланган ўз генотиби (жисмоний қиёфаси) борки, шу асосда аёл гўзаллигининг идеали (мукаммал) шакли тасаввур қилинади ва унга қиёслаб ҳар бир аёлга эстетик баҳо берилади. Шу сабабли бир миллатнинг аёл гўзаллиги ҳақидаги тасаввурлари ўзгаларникидан жиҳдий фарқ қилиши мумкин. Масалан, русларда блондинка-новча, оқ сариқ танли, оч малла сочли, йирик ва тинки мовий кўзли аёл энг гўзал ҳисобланса, украинларда гавдали, қора соч, қора қошли, оқ танли, қирмизи юзли аёллар гўзал ҳисобланадилар.

Тарих фанининг гувоҳлик беришича, биз, турк-ўзбеклар, жаҳон халқларининг Ҳинд-европа гуруҳига кирувчи арий ирқиға мансуб бўлиб, азалдан

бўйчан, бугдой ранг танали, юмалоқ-чўзинчоқ, қирмизи юзли, қорасоч, қора қошли, йирик қора кўзли бўлганмиз. Шунга кўра, аёл гўзаллиги деганда, ана шу сифатлар мужассамлиги ва мукаммаллиги назарда тутилди.

Миллий генотипимиз классик поэзиямизда, миллий тасвирий санъатимизда, ҳайкалтарошликда аниқ ифодадалаб берилгандир.

Аёл гўзаллигининг фалсафий маъноси-аёл танасининг оналик функциясига юксак даражада шаклланганлигидир.

Нафосат қонуниятларига биноан эса аёл гўзаллиги: а) тана қисмларининг ўзаро муносиблиги; б) тана қисмларининг ранг уйғунлиги; в) тана ва рух, тафаккур, дунёқараш, одоб-ахлоқ, дид-фаросат уйғунлиги; г) тана ва рух, либос ва безаклар уйғунлиги; д) миллий қиёфани асраш, уни янада мукамаллаштиришдадир.

Хуллас, аёл гўзаллиги аёлнинг жисмоний ва маънавий хусусиятлари мукаммаллиги, ўзаро уйғунлигидир.

Аёлнинг олий гўзаллиги оналикдир. Оналик аёлни жисмонан ва руҳан янгилайди, унга етуқлик, мукаммаллик бахш этади. Аини оналик туфайли аёл жисми росмана аёлий шакл касб этади.

Аёлнинг гўзалликка интилиши унинг оналик хусусиятларидан келиб чиқадиган туғма фазилатдир. Лекин бу интилиш аёл гўзалликка йўналган бўлмоғи лозим. Тақлид, модарастлик ҳеч қачон гўзаллик бўла олмайди. Чунки, унинг мотиви ақл, эстетик билим, тафаккур даъвати эмас, оддий, юзаки идрок даъватидир.

Аёл гўзаллиги ҳар бир аёлнинг жисмонан ва руҳан ўзига хослиги, индивидуаллиги, ҳеч қимга ўхшамаслигидир. Яъни мода аёлнинг индивидуаллиги, ўзига хослиги заволидир. Аввало, бизда мода (малла соч, очик кийим) Европанинг ўзига хос ва ўзига мос модасига тақлидликча қолмоқда. Модасозлар миллий тарихимизни, менталитетимизни ифодаловчи мода яратётганлари йўқ. Сабаби, бугунги модасозларнинг ўзи Европа модасида ўсган кишилардир, улар миллий тарихимизни, миллий урф-одатларимизни яхши билмайдилар. Масалан, келин либосини олайлик. Бугунги келинпояшлар ўзининг никоҳ тўйида катта пулга ижарага олинган, ўнлаб келинлар кийган, аллақачонлар поклик, боқиралик

**“Мода дегани беҳаёлик эмас” 22-сон**

...Гавҳар аслида таг-тахтли одамлар фарзанди эди. Яхши "ин"да тарбия кўрганди. Бекордан-бекорга аччиқ-араз қилишнинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини тушунди ва юраги кўрқувдан юраги увишиб кетди. Хайриятки, Гавҳар ўзини ўнглаб олди. Қайнота ҳам, қайнона ҳам, ҳатто, кундузлари "сенлаб", кечалари "сиз-бизлаб" ардоқловчи тўшақдоши ҳам буни сездди. Ҳамманинг дили равшан тортиб, кўнгли шодмон бўлди. Гавҳарнинг келиннинг боши қоронғи, кўнгли ёруғ бўлди... Қайнонаси бўлмиш Ойдинойим муродига етадиган бўлди...

Аччиқ-араз кўп қусурдир, Меҳр-оқибат хўп дурустдир. Азимжон ҚОСИМОВ

# ИШОНИНГ, У ҚАЙТИБ КЕЛАДИ...

Мухбирлик касбим тақозоси ила кўп аёллар билан суҳбатлашимизга тўғри келади. Шундай суҳбатларда ҳаммиса ҳаммага ўзини энг бахтли кўрсатиб келадиган аёллар ҳам ўз кечмишларини беихтиёр ошкор этиб қўйишади. Буюк адиб Лев Толстой:

**“Аёл киши ўзини бахтли кўрсатишга уринди-ми, билингки, юрагида дарди бор” деган экан. Кимгадир ибрат бўлар, кимнидир фикрлашга ундар дея икки аёл ҳикоясини сизларга ҳавола қилмоқдаман.**

## БИРИНЧИ ҲИКОЯ

- Биз тенгдош, маҳалладош эдик. Мактабда, сўнг институтда бирга ўқидик. Севишиб турмуш қурдик, севиб, меҳру муҳаббатга чулганиб яшай бошладик. Ишдаги ютуқлар оила қувончларига қўшилиб, шўх-шодон кунлар, бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Хизмат пиллапоярларидан кўтарилган эрим хонадонимизни қасрга айлантirdи. Орзу-ҳаваслар бир зумда амалга ошар, нима истасак, муҳайё эди.

Рўзгорим бутлана борганига маҳлиё бўлиб, турмушим тинчи бузилаётганини сезмай ҳам қолдим. Унинг ичиб келишларига одатий ҳол деб қарадим. Ҳамма ишда менга суянадиган, фикримни қадрлайдиган эримнинг мен билан маслаҳатлашмай қўйганига ҳам бефарқ қарадим: “Нима қилпти? Иши, ташвиши кўп... Барча муаммони ўзи ҳал қилса, эгним бут, рўзгорим тўла-тўқис бўлса, менга яна нима керак?”, деб ўйладим. Эримнинг ишга барвақт кетиб, кеч қайтиши ҳам ташвишлантirmadi. “Хоҳлаган эримга борсам, сериалларни бемалол кўрсам, маза-ку!” деб ўйладим. Лекин у бора-бора кеч ва маст кела бошлади. Оқдйи эътирозлар катта жанжалларга айланди. Ҳар гал: “Нега бу аҳволда келасиз?” деб сўраганимда, “Ниманг етмайди, мана пул, истаганинг ол”, дерди.

Болалар улғайди, жуфтини топди. Ҳеч нарса бўлмагандек, тўйларини ўтказдик. Орзу-ҳавасларни бўлдирдик. Ва бир куни кеч бўлса-да, келадиган эрим ҳеч келмас бўлди-ю, кетди. Қариндош-уруғлар, куда-андалар аралашуви ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмади. Ўн йилдирки, бошқа-бошқа яшаймиз. Болаларни бирдек суямиз, невараларга бирдек парвонамиз, фақат биргамасмиз. У унда зор, мен бунда зор яшаймиз. Мен-ку аёлман, лекин у ҳам турмуш қурмади. Шундай қилганда балки таскин топардим, ҳаётимда ҳаловат бўларди. Умр ўтиб кетяпти интизорликда. Унинг қайтиб келишини ич-ичимдан истаيمان. Ишонаманки, у ҳам шундай... Лекин...

**Азизим, жоним, ўзингизни қийнаган саволларга ўзингиз жавоб топгандексиз, назаримда. Ҳаётда қийинчиликлардан йиғлаб-йиғлаб эмас, гоҳо сизга ўхшаб тўқинчилигу қувончларга кўмилиб, қулиб-**



**қулиб ҳам адашадилар. Гап ана шухатони кеч бўлса-да, англашда. Донолар айтишича, эру хотиннинг ярашии орасидаги фурсат дога рўмолнинг қуришичалик вақтдан иборат. Ўн йиллар давомида кўз ёшлари жиққа ҳўл рўмолнинг қуришига фақат офтоб камлик қилади. Хижрон изтироблари заху намини кеткизгувчи муҳаббатдир, муҳаббат. Ёдингизда бўлсин, бир-бирига илк пешвоз чиққанга ёғилгай Оллоҳ раҳмати, ишқда ким енгилса голибдир ўша. Гурурни чеккага суриинг-да, кечиримли бўлиб, пешвоз чиқинг. Ва албатта, қарабсизки, бир куни у оқшом кетган офтобдек тонгда қайтиб келади...**

## ИККИНЧИ ҲИКОЯ

- У ишқ учун яралганди, гўё. Мени шунчалар севардики, бундан чўчирдим. Қариндош-уруғларимникига кетсам, дарров олиб келарди. “Нима гап, бунча шошилишч?” - десам, “Эрталаб туриб, сенсиз тонг отганига қуёшдан ҳам нафратланиб кетдим”, - дерди. “Бунча, муболага ҳам эви билан-да”, - десам: “Ишонмайсанми, бир кунгина етаклашга рози бўлсанг, кўр бўлишга ҳам тайёрман”, - деб ҳазиллашарди... Бичиш-тикиш қўлимдан келарди.

Ўқитувчилик ташвишларидан уйдаги минг бир юмушлардан ортиб чопон тикардим. Рўзгор ишларида кўмаклашарди. Бир-биримизни яхшиликларга етаклаб яшардик. Нолиш йўқ, топганимизга қувонардик, боримизни баҳам кўрардик, шукр қилиб умргузаронлик қилардик. То эрим паст ўзлаштирувчи ўқувчиси билан дарсдан сўнг шуғулланишни бошламагунча...

«Бозорда савдо қиладиган маҳалладошим бир куни уйимизга илтимос билан келди. “Эрингиз ўғлимга синф раҳбари экан, математикадан ўзлаштириши ёмон, бизнесини ривожлантириш учун ўғлим қаватимга кириши керак. Бу саводи билан қайёққа боради? Бошида отаси бўлмаса, ўзим бозордан ортмасам, - зорланди у. - Эрингиз ўғлим билан шуғуллансин, илтимос, кўндиринг, сизларни ҳам қуруқ қўймайман. Ҳамма репетиторлик қилади-ку, ахир...»

Бу гапни эримга айтгандим, унамади. Боши очик аёл бўлса, арзимас пул деб гап-сўзни кўпайтирмайлик”, деди у астойдил. Мен бўлсам: “Маҳалладошим ахир, тушунинг”, деб ҳоли-жонимга қўймай, кўндирдим. Энди билсам, ўзим, ўзгинамники бўлган азиз одамимни ялмоғизнинг чохиға итарибман. Ха, ха, ўзим! Авваллари мактабда кўшимча машғулот ўтказадиган эримни турли баҳоналар билан уйига қақира бошлади у. “Дам олиш кунлари уйда ҳеч ким йўқ, мен бозорда бўламан, сизлар бемалол шуғуллансизлар”, деб яқшанбада ҳам қақирадиган, эрим кечгача қоладиган ҳам бўлди.

Бора-бора у деярли уйда овқатланмас, турли баҳоналарни рўқач қилардики, инкор қилиб бўлмасди. Бошлангич синф муаллимаси бўлганим учун ишдан барвақт келардим. Мактабдаги ишлар кўламини билганимдан барча гапларига ишонардим. Бир куни ҳамкасбим «онангизларникига борганмидингиз?», - деб сўради.

- Йўқ, нимаиди? - дедим хавотир билан.

- Эрингизни тонгда биз томонда кўрдим, - деди у.

Шу куни у Навоийга курсдоши туғилган кунига кетганди, унга меҳрибонлик қилиб, тунда йўлга чиқманглар, эрталаб кела қолинглар, дегандим.

Ҳайрон бўлдим, лекин унга шунчалар ишонардимки, шубҳаланмасдим, унинг хиёнат қилиши ҳаёлимга ҳам келмасди. Танаффусда ўзи келиб: “Тинчликми, болалар яхшими?” - деб сўради.

- Ўзингиз яхши бориб келдингизми? деб сўрагандим. Хуш-хурсанд жавоб берди: “Сени олиб бормаганимга бир оз ранжишди”, - деб қўшиб ҳам қўйди.

## Турмуш сабоқлари

парво қилмай, «репетиторликка боради», дедим хотиржам.

- Ярим тун ё тонг сарҳада репетиторлик қилмасов, - деб илмоқли гап ташлади ҳамкасбаримдан яна бири. Эрим ёмон ўзлаштирувчи ўқувчисининг онаси билан апоқ-чапоқ эканлигини ҳамма биларкан, мендан бўлак.

Кечқурун секингина гап бошлагандим, эрим гапни қисқа қилди: “Ўзинг бошласанг, айтаман деб юргандим, ха, у билан жуда яқин бўлиб қолдик, усиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Хоҳласанг, икковинг билан ҳам яшай-вераман...”

- Хоҳламасам-чи? - дедим. Овозимни ўзим ҳам зўрга эшитдим.

- Унда биттангни танлашимга тўғри келади, - деди у.

Ишонч билан дедим: “Танланг, бўлмаса...”

- Хафа бўлмайсан, сен билан сенинг игнаю ипинг билан, биримиз икки бўлишига, одамларга ўхшаб яшашимга кўзим етмайди. Маданиятли, тушунган одамлардек иш тутайлик. Болаларимдан кечмайман, сизларга ёрдам бериб тураман.

Яна нималардир деди... У кетди, менсиз тонг отгани учун қуёшдан-да нафратланган, бир кунгина етаклашим учун кўр бўлишга тайёр одам, пул, бойлик, деб фарзандларидан, мендан ва фақат мендангинамас, ўзидан ҳам кечиб кетди... У аёл билан ҳозир бирга савдо қилишади...

Мен ҳам оқдан ўлганим йўқ, яшайман, кундузи иш, тунлари тикиш билан овутаман ахир, тушунинг”, деб ҳоли-жонимга қўймай, кўндирдим. Энди билсам, ўзим, ўзгинамники бўлган азиз одамимни ялмоғизнинг чохиға итарибман. Ха, ха, ўзим! Авваллари мактабда кўшимча машғулот ўтказадиган эримни турли баҳоналар билан уйига қақира бошлади у. “Дам олиш кунлари уйда ҳеч ким йўқ, мен бозорда бўламан, сизлар бемалол шуғуллансизлар”, деб яқшанбада ҳам қақирадиган, эрим кечгача қоладиган ҳам бўлди.

Бора-бора у деярли уйда овқатланмас, турли баҳоналарни рўқач қилардики, инкор қилиб бўлмасди. Бошлангич синф муаллимаси бўлганим учун ишдан барвақт келардим. Мактабдаги ишлар кўламини билганимдан барча гапларига ишонардим. Бир куни ҳамкасбим «онангизларникига борганмидингиз?», - деб сўради.

- Йўқ, нимаиди? - дедим хавотир билан.

- Эрингизни тонгда биз томонда кўрдим, - деди у.

Шу куни у Навоийга курсдоши туғилган кунига кетганди, унга меҳрибонлик қилиб, тунда йўлга чиқманглар, эрталаб кела қолинглар, дегандим.

Ҳайрон бўлдим, лекин унга шунчалар ишонардимки, шубҳаланмасдим, унинг хиёнат қилиши ҳаёлимга ҳам келмасди. Танаффусда ўзи келиб: “Тинчликми, болалар яхшими?” - деб сўради.

- Ўзингиз яхши бориб келдингизми? деб сўрагандим. Хуш-хурсанд жавоб берди: “Сени олиб бормаганимга бир оз ранжишди”, - деб қўшиб ҳам қўйди.

Шубҳаю гумонлардан ҳоли тарбия топганим туфайлидир, ҳамкасбим ўзим туғилиб ўсган маҳаллада эримни тез-тез кўрганни такрор айтганида ҳам

Бахшанда БОЛТАЕВА,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон шаҳри.



**1. 6 ёшли ўғлим болалар боғчасига қатнайди. Ундак ташқари, мусика ўқитувчисидан сабоқ ҳам олади. Олдинги ўзлаштиришлари ёмон эмас эди. Кейинги пайтлар боғчага ҳам, ўқишга ҳам инжиқлик қилиб зўрға боради. Ўзимни хатога йўл қўйгандек сезаяпман. Айтинг-чи, нима қилсам тўғри бўлади?**

НАРГИЗА

Тошкент шаҳри

- Яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, 6 ёшли ўғлингизнинг сиз айтган тартибда ўқиб ўрганишга вақти, қолаверса, қурби ета-яптимикин? Яхшиши, у очиқ ҳавода дўстлари билан маза қилиб ўйнаса қандай бўларкин?

Яқинда болангиз биринчи синфга боради. Мактаб шароитига ва атрофидаги ҳаётга кўникиши керак. Ўғлингиз мактабга боришидан олдин тўйиб ҳордиқ чиқаргани маъқул.

**2. Беш ёшли ўғлимни кўшимнинг ити тишлади. Қандай биринчи ёрдам кўрсатишни билолмай қийналдим. Оналар бу ҳақда билиб қўйса ёмон бўлмас эди.**

САРВИНОЗ

Наманган вилояти

- Фарзандингизни ит тишлаб олган бўлса ва қон кетаётган бўлса қонини тўхтатишга шошилманг. Қон оқиши натижасида итнинг сўлақлари ювилади ва танага микроблар тушиши эҳтимоли камроқ бўлади. Бир оздан сўнг ит тишлаган жойни перекис водородли эритма билан яхшилаб ювиш керак. Агар ўша пайтда перекис водород бўлмаса оддий совуни сув билан ювиш ва яра устига зеленка суртиб қўйиш тавсия этилади. Спирт, одекалон, йод ва ҳокзалардан фойдаланмаслик керак. Сўнгра ярани тоза бинт билан бойлаб, албатта шифокорга олиб бориш лозим.

**3. Қизим 13га тўлди. Нима олиб берсам ҳам унга ёқмайди. Албатта бирор жойини ўзгартириб, кейин кияди. Ҳайронман, нима қилсам экан?**

МАҲБУБА

Тошкент шаҳри

- 13 ёшда қизлар ўзларига қулай ва замонавий кийимларни танлай олишади. Сизнинг дидингиз унга тўғри келмаслиги, табиий. Энди қизингиз билан нарса харид қилишга бирга бориңг. Олдин унинг талаб-истагини инobatга олинг. Одам коматидан келиб чиққан ҳолда ўзига ярашадиган кийимни кийсагина гузал кўриниши мумкинлигини секин-аста тушуңтириңг. Қизингиз кийимларини ўзига мослаб ўзгартиришига келсак, менимча, бундан хурсанд бўлиш керак. Балки бичиш-тиқишни ўргатсангиз, ундан яхшигина чевар қўиб, ўзига керакли кийимларни қойиллатиб тикадиган бўлар.

**4. Уч яшар қизчам ҳар хил мунчоқлар, тугмачалар ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни яхши қўриб ўйнайди. Мен бунга руҳсат бермай олиб, бекитиб қўяман. Лекин, у албатта шунга ўхшаш нарсаларни топиб олиб ўйнайверади. Бундан жуда жуда кўрқаман. Бу нарсаларни қулоғига ёки бурунчасига тикиб қўйиши мумкин-ку...**

ШАҲОДАТ

Самарқанд шаҳри

- Аввало фарзандингизга бу буюмларни бермасликка ҳаракат қилинғ ёки ўйнаганда ҳам эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида тушуңтириңг. Агар шунда ҳам мунчоқ ёки тугма қулоқчасига кириб қолган бўлса, дарров ваҳимага тушманг. Болангизга қулоғида буюм бор томони-ни мумкин қадар пастга энгаштириб, бир оёғида сакрашни буюриңг. Агар тушиб кетмаса, ўзингизча олиб ташлашга уринмасдан, дарҳол шифокорга олиб бориңг.

Агар буюм бурунчасига тикилган бўлса, очиқ томонини бармоғи билан бекитиб, бошқа томонини қаттиқ қоқишини буюриңг.

**5. Ўғлим иккинчи синфда ўқийди. Жуда шўх. Унинг кетидан мактабга боришга юрагим йўқ. Ўқитувчиси мени кўриши билан ўғлимни ёмонлашга тушади. Ҳар кун боламни тергайверсам, охири нима бўлади?**

ЮЛДУЗ

Тошкент шаҳри

- Ўқитувчига: "Маил, бу масалада ўғлим билан уйда гаплашаман", - деб айтингда, лекин зинҳор "уйда жазосини бераман", - дея кўрманг. Айниқса, болангиз олдида. Бу билан уни ўқитувчи олдида ерга урган бўласиз. Ўғлингиз билан гаплашинг. Хатосини яхши гап билан тушуңтириб қўйинг. Болалигидан тўғрилиқка ўргатинг.

**6. Болам эндигина 3 ёшга тўлди. Лекин гапиршига қийналяпти. Шифокорлар онги ҳали яхши ривожланмаган деб, уни махсус (логопедик) боғчага беришимизни тавсия қилишди. Нима қилишга ҳам ҳайронман?**

ЗАРИНА

Самарқанд вилояти

- Кўпгина болаларда бундай ҳолат кузатилади. Бунга эса сабаблар кўп. Шулардан асосийлари - катталарнинг бола билан кўп гаплашмасликлари ва ёки уйда ҳар хил тилда гапиршилари ҳам сабаб бўлади. Шифокорнинг болани махсус болалар боғчасига бериш керак, деган маслаҳати тўғри. Махсус боғчаларда нутқ раво бўлиши учун яхшигина шароит яратилган. Ўзингиз ҳам фарзандингиз билан кўпроқ сўзлашинг. Китоблар ўқиб бериңг. Мультфильмларни бирга томоша қилиб, бу ҳақда суҳбатлашинг. Болангиз ҳар бир сўзни тўғри айтиши ва талаффузи ҳам раво бўлиши учун, аввало ўзингиз у билан сўзларни бузмасдан, гаплашинг.

**7. Қизчам 1,5 ёшда. У қизчалардан фарқли равишда қўғирчоқ ўйнашга қизиқмайди. Ўғил болаларга хос ўйинларни яхши қўради. Ундаги бу ҳолатни қандай тушуңса бўлади?**

НИГОРА

Андижон шаҳри

- Бу ёшда ҳали болалар ўзларининг ўғил ёки қиз эканликларини идрок этолмайдилар. Кези келганда бир қизик мисол келтираман. Кўшимнинг 4 ёшли қизчаси ва 2 ёшлардаги ўғилчаси бўлиб, қизчаси нимаки қўйса ўғил ҳам шуну қиларди. Опачаси кўйлак кийиб, сочларига ленталар тақса, у ҳам, албатта кўйлакча кийиб, лента тақарди, қўғирчоқ ўйнарди. Кўшим болаларини боғчага берди. Опачаси кўйлак кийиб бораётгани учун, ўғли ҳам қиз бола қўйлагини, колготкани кийиб, сочларига лента тақиб боғчага борибди. Болалар унинг қимлигини билиб қолиб: "Вой, ўғил бола экансан-ку. Нега қизларнинг кийимини кийиб олдинг?" - дея қилишган экан. Уйга келгандан сўнг ойисига: "Ойиҳон, дарҳол бу кийимларни ечиб олинг. Мен ўғил боламан, бундан кейин ҳеч қачон қизларнинг кийимини киймайман", - дебди. Шунинг учун сира ташвишланманг. Албатта бир кун қизингизнинг қўғирчоқлар ўйнайдиган даври келади. Ўзингиз ҳам унга қўғирчоқ ўйнашни ўргатинг.

**8. Уч ойлик чақалогимни кўкрак бериб эмизарканман, сутим тобора камайиб бораётганини сезаяпман. Баъзи бир бола ўстирган таниш оналар энди дўконларда сотиладиган сутли бўтқалар билан боламни овқатлантиришни, ана шунда бола ҳам тўқ бўлиши, ўзим ҳам дам олишим мумкинлигини маслаҳат беришяпти.**

Мен эса бундай ўйламайман. Табиат аёлга оналикни бахш этибдими, бола учун ҳам сутни беради деган фикрдаман.

ГУЛЧЕХРА

Тошкент шаҳри

- Она сuti—табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бугунги кунда кашф этилаётган турли сутли аралашмалар таркиби она сutigа нақадар яқинлаштириб тайёрланган бўлмасин, барибир унинг ўрнини

Ёнғоқли сут. Бир стакан арчилган ёнғоқни олинг ва термосга солиб устидан 1 литр қайнаб турган сигир сутини қуйинг, қопқоғини 3-4 соатга ёпиб қўйинг. Ана шуну кунига эрим стакандан 6 марта, болани эмизишдан ярим соат олдин ичинг. Термос тубида қолган ёнғоқларни эрингизга бериңг. Ёнғоқ ёғини гўдак ҳам этолмайди. Ер-ёнғоқ каби турли донакли егуликлардан сақланинг. Улар тўғилни гўдак аллергияга чалиниши мумкин.

**Сутни кўпайтирувчи шифобахш ўтлардан тайёрланган чой:** ялпиз, крапива, зира, арпабодийн (шивит уруғини бир хил миқдорда олиб аралаштириңг. Бу аралашмадан икки чой қошигини бир стакан қайноқ сув билан бирга чойнак ёки термосга солиңг. Тинсин. Сўнг доқадан ўтказинг. Ҳар гал эмизишдан ярим соат олдин ичинг. Агар ўзингизда ёки гўдакда аллергия бўлмаса, бу аралашмага бир чой қошиқ асал ёки лимон сувидан қўйинг.

Агар, сутингиз охири тошаётган бўлса, уни харгиз соғиб ташламанг. Стерилланган идишга қуйинг—да, қопқоғини ёпиб, музлатгичнинг музхонасига тиқинг. Шу ҳолатда сут уч ойгача сақланиши мумкин.

**9. 6 яшар ўғлим билан бозорга ёки дўконга бориб қолсак, кўзига яхши кўринган ўйинчоқни олиб беришимни сўраб хархаша қўриб туриб олади. Бундай пайтда нима қилиш керак?**

АСАЛ ЖУРАКУЛОВА, Тошкент шаҳри.

- Одатда 3 ёшлардан бошлаб болалар ўз истақларига етишининг энг яхши ва осон йўли бақириб йиғлаш ва хархаша қилиш эканлигини англаб етадилар. Шу боис аксарият болалар ота-онаси билан дўконга кирганда ёки бозор айланганда бирор нарса олишни истаб қолшса, айнан шу усулни қўллашади. Фарзандингиз жамoат жойида ўзини шундай тутиб сизни уятга қўйишни истамасангиз, уйдан чиқишда айнан

тўлиқ босолмайди. Биринчидан, сутли аралашмаларда она сутида мавжуд бўлган бебаҳо муҳофаза этувчи омиллар етишмайди. Иккинчидан, сигир ва эчки сuti оқсиллари барибир она сutigа қараганда катта фарқ қилади. Учунчидан, сунъий эмизишда бола ва она ўртасидаги илоҳий муносабат содир бўлмайди.

Ҳамма яхшиликлар болага она сuti орқали ўтади. Она ҳеч бўлмаса болани 1-1,5 ёшгача кўкрак сuti билан боқиши лозим. Олимларнинг фикрича, 6 ойлигича она сутидан баҳраманд бўлиб ўсган бола нафақат асаблари тинч бўлади, балки шамоллаш, аллергия, камқонлик касалликларига камроқ чалинади. Кўкрак билан болани эмизиш она учун ҳам аҳамиятлидир. Бунинг натижасида онанинг танасидаги туғруқ асоратлари тезроқ битидаи, аёлларга хос касалликлар олди олинади. Агар касаллиги бор (масалан, бачадон миомаси, мастопатия) бўлса, болани узоқ вақт эмизиши оқибатда ўз-ўзидан йўқ бўлади. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, гўдагига бебаҳо неъматни бахш этаркан, она ҳам касалликлардан фориг бўлади.

Табиат берган бу неъматидан сўнги томчисигача қандай олиб фойдаланиш мумкин? Агар сиз кўкрагингизда сут камайиб бораётганини сезсангиз, дарров ваҳимага тушманг, бўлмаса, сутингиз батамом қочиши мумкин. Дарҳол сутни кўпайтиришининг тажрибада синалган чора-тадбирларини кўриңг.

ДИЛБАР ВА БАСИРА тайёрлашди.



Ота-оналар мактаби

# КўЛЛАРИНГИЗГА ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ



**Кўлларингиз териси ўзоқ пайтларгача майин ва мулоим бўлиб қолишининг фақатгина бир йўли бор — у ҳам бўлса, кўллари синчковлик билан доимий равишда парвариш қилиб туришдир. Бу борада эриниш ярамайди. Сир деб қўлоғингизга айтايлик — айнан кўллар кишининг ҳақиқий ёшини фош қилиб қўяди.**

Кўлларга — ҳар куни биз идиш-товок, пол, деразаларни ювадиган “кимёвий” воситаларимиз зарар кўрсатади... Иккинчи ўринда эса — бог-полиз ишлари туради. Ахир, афсуски, биз кўпчилигимиз богда ишлаган чоғларимиз камдан-кам ҳолларда кўлимизга резина кўлқоп кийиб оламиз. Кондиционерлар ва иситиш тизимларидан чиқадиган қуруқ ҳаво-чи? Кимда-ким ана шу сунъий ҳавони кўлларим териси учун малҳам деб ўйласа, жуда-жуда хато қилади. Ез таътилини ўтказиш шу жиҳатдан қараганда, сизга кўпинча арзонга тушмайди. Сиз ҳордигингизни чикардигиз, қуёшга терингизни тутиб, тобладингиз, қишлоқдаги дарёда роса чўмилиб, тоза қорайдигиз... Қисқаси, дам олишимиз — уйдасидан чиқдингиз. Лекин кўлларингизга бир қаранг — териси буришиб қолибди, қарибди, қуруқшаб, қаттиқ бўлиб қолибди, ҳар жил доғ-дуғлар, қадоклар пайдо бўлибди. Энди нима қилиб бўлмасин, кўллари асл ҳолига қайтариш керак.

## АЙНИ ҲАҚИҚАТ

→ Кўлларингизни илик хона ҳароратидида сув билан ювинг, соvuқ сув терини қуритади, қайноғи эса — ёғсиз қилиб қўяди.  
→ Кўл ювиш учун кислота миқдори pH 5,5 даражадаги атир совун ишлатинг. Яна ҳам маъқули намлантирувчи моддалар билан бойитилган кўл ювиш воситасидан фойдаланиш.  
→ Ҳар кўл ювганингиздан сўнг (биз кунда 10-12 марта ювамиз) кўлларингизни қуригунча артинг.  
→ Кир ювиш, уй йиғиштириш ва ҳоказо ишларни қўлга резина кўлқоп киймасдан бажарманг.  
→ Богчангизга шолча тўшамоқчимисиз, қуриган шох-бутуқларни йиғиб, ёқмоқчимисиз, ерни кавлаб, гул ёқмоқчимисиз? Унда кўлингизга пахмоқ кўлқоп кийиб олишдан эринманг. Бундай кўлқоплар турли яра-чақалар, қадоклар, инфекция тушишидан сақлайди.  
→ Кўлларингизга мой-упа суркашни унутманг. Бу муолажа учун таътил ҳам, ҳордиқ кунлари ҳам, танаффус ҳам йўқ. Мой-упани кунига камида икки марта сурканг, яхшиси, кўлларингизни ҳар ювганингиздан сўнг мой-упа суриб, уқаланг.  
→ Терининг саломатлиги ва ташқи кўриниши об-ҳавога боғлиқ. Ҳаво қуруқ келса, тез-тез ўзгариб турса, шамол-изғиринда тери қизариб кетади, дағаллашади, ажинлар пайдо бўлади. Кўлингиз терисини текислаш учун сиз ишлатадиган кўл мойупаси намлантирадиган бўлиши керак. Бундай воситалар таркибида, қоидага кўра, мураккаб биологик фаол субстанциялар: ёғ экстрактлари (мойче-

чак, алоз), намлантирадиган мойлар (авокадо, какао, чой дарахтининг мойи), витаминлар, глицерин, ёғ компонентлари мавжуд бўлади.

→ Кафтларнинг тескари томонида деярли кучли безлар бўлмайди, шу туфайли кўлнинг нормал ҳолатида қуруқ тери учун мой-упани дадил танлайверинг (айниқса йилнинг соvuқ фаслида) — терини кўшимча равишда озиклантириш ва намлантириш фойдадан ҳоли эмас.

→ Аввалдан кўлларингизга доғ тушишининг олдини олиш учун айниқса таъсирчан бўлган тери учун ва 30 ёшдан кейин йил мобайнида УФ-филтрли мой-

упалардан фойдаланинг.

→ Кўлингизга ҳар гал мой-упа суртганингиздан сўнг албатта силашни-уқлашни унутманг. Кўлларингизни силашни сиртидан бошланг. Айланасимон ҳаракатлар билан

ниқоб қилинг. 2 та картошкани қайна-тиб, иссиқ сут билан бўтқа ҳолига келтириб эзинг. Аввало, кўлларингизга ўсимлик ёғи суртинг, сўнг тайёрланган ниқобга ботиринг. 15 дақиқадан сўнг кўлингизни иссиқ, сўнг соvuқ сувда ювиб ташланг.

**Териси қуруқшаб кетган кўллар** учун хом тухум сариғи, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 ош қошиқ асал билан лимон сувидан ниқоб тайёрланг. Кўлларингизни аввал қайнатиб пиширилган картошка пўчоғи сувига озгина ўсимлик ёғи қўшиб ювинг ва тайёрланган ниқобни суртиб, дога билан ўраб қўйинг. 2 соатдан сўнг иссиқ сувда ювиб, крем суртинг.

**Шамолда дағаллашган кўллари тозалаш:** Майдаланган арпа геркулес (дўқонларда бор) ва эзилган узумдан бир хил миқдорда олиб бўтқа тайёрланг. Кўлларга суртиб 5-10 дақиқа кўл терисини айланма тарзда уқаланг. Сўнг илик сувда ювиб ташланг.

## ТЕЗ ЁРДАМ

Теридаги ажинларни текислаш, кизарганлигини йўқотиш, кўллари майин қилиш учун гўзаллик салонига муурожаат қилинг. Бу ерда сизга косметологиянинг энг сўнгги ютуқларидан фой-



қўлларингизни бир-бирига артинг. Сўнгра алоҳида-алоҳида бармоқлар учидан тортиб кафтларингизни худди кўлқоп киядигандай уқаланг. Шундай қилсангиз, кўлларингиз майин, бўғинлари ҳаракатчан бўлади. Тери эса қўшимча озик моддаларидан озикланади. Яна бир жиҳат ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас: кафтларингиз сирти акупунктур нукталар билан бутунлай қопланган бўлади. Бу нукталарга таъсир қилиш билан қон юришишни тезлаштирасиз, асаб тизими фаолиятини яхшилайсиз.

→ Бу қилган барча саъй ҳаракатларингизга қарамай кўлларингиз барибир қуруқшоқ бўлиб қолаверса, нима қилиш мумкин? Агар шундай бўлса, қадимий бир усулни кўлланг: ухлаш учун ётиш олдида кўлингизга қалин қилиб озиклантирувчи мой-упа суринг, пахмоқ кўлқоп кийиб ётинг.

→ Ҳафтасига 1-2 марта кўлингизни махсус тозаловчи крем-скраб воситасида ювинг. Скраб таркибидаги, жумладан, ёнғоқ пўчоғидан тайёрланган дончалар, фаол моддалар, глицерин ўлик тери ҳужайраларини тозалаш ташлайди, уни тердан ва чанглардан тозалайди. Бу муолажа айниқса иссиқ компресслардан сўнг фойда қилади.

## МАЛҲАМ НИҚОБЛАР

**Жуда кирланган кўлларингизни** қаттиқ-қаттиқ ишқалаб ювишга уринманг. Озгина лимон парчаси бу ишни осонгина уддалайди. Бундан ташқари, лимон суви терини оқартиради ҳам. Кир кўллари иссиқ тузли ваннада солиб турсангиз ҳам топ-тоза бўлади.

**Териси дағаллашган, қорайган, ёрилган кўлларга** иссиқ картошкдан

даланган ҳолда хизмат кўрсатилади.

## ДАГАЛЛАШГАН ТИРСАКЛАРГА БАЛЬЗАМ

Афсуски, биз тирсақларимизга мутлақо аҳамият бермаймиз. Гарчанд тирсақларимиз териси дағаллашиб кетса ҳам унча ташвишланмаймиз. Тирсақларимиз терисини майин ва чиройли қилиш унча ҳам қийин эмас.

→ Бадан учун истеъмол содаси ва соvuқ мой қўшилган иссиққина 10-15 дақиқалик ванна қабул қилинг. Сўнгра тирсақларга озиклантирувчи мой-упа суринг.

→ Апельсин сувини 1/2 стакан ўсимлик ёғига аралаштиринг. Уни тирсақларингизга суртиб (5-10 дақиқа) уқаланг. Қолдигини салфетка билан артиб ташланг. Бу бальзамни музлатгичда 2 ҳафтагача сақлашингиз мумкин.

## ТИРНОҚЛАР ЧИРОЙИ

Ахир тирноқларингиз парвариш қилинмаган бўлса, кийган кийимингиз ҳам хунуқ кўринади, шуни биласизми? Парвариш қилинган нафис тирноқлар нафақат кўлларингиз, балки бутун қоматингиз чиройини кўз-кўз қилади. Сарғайиб, қинғир-қийшиқ бўлиб ўсган, кир тирноқларга қарасангиз, кўнглингиз озади. Бу тирноқлар эгасининг башарасига қайрилиб қарагингиз келмайди...

Бу тирноқлар айбини бўёқ суриб, яшириб бўлмайди. Бундай вазиятда сизнинг олдингизда турган вазифа — тезроқ шифокор ҳузурига бориб, ёрдан сўрас. Ахир тирноқлар — бутун тана аъзоининг саломатлиги индикаторидир.

→ Оқимтир тирноқлар жигар аъзоси

фаолияти бузилганидан дарак беради; → Бирданига бир нечта тирноқларда жигарнинг доғларнинг пайдо бўлиши баъзида жиддий онкологик касалликлар бошланаётганидан хабар қилади;

→ Қиррали, тўлқинсимон пластиналар қанд диабетда бўлиши мумкин; → Кўкимтир тирноқлар — юрак касаллиги аломати;

→ Аксарият ҳолларда учраб туривчи оқ доғлар моддалар алмашинуви бузилганидан огоҳ этади. Эҳтимол, буларнинг бари унчалик ҳам хавотирли эмасдир. Яхшиси шифокор ҳузурига борган маъқул — киши шунда бутунлай хотиржам тортади, нима қилиши кераклигини билиб олади.

**Тирноқлар мустақамлиги учун** тез-тез ванночка қилиб турунг. 1 ош қошиқ тузни 1 стакан иссиқ сувга аралаштириб ана шу эритмага бармоқларингизни 15-20 дақиқа ботириб ўтиринг.

Айтмоқчи, бугунга келиб, тирноқлар парвариши аънаваный бизнинг онабувиларимиз адо этган йўсинларга мувофиқ такомиллаштирилгандир. Бизнинг бувиларимиз аввалгига кўллари терисини буғга тутиб, сўнгра тирноқларни авайлаб олганлар, майдагина пардозлик аррача билан текислаганлар, атрофидаги терини юмшатиб, мўйчинок билан олиб ташлаганлар.

→ Тирноқларингиздаги эски лакни ўчириб ташлашни унутманг. Ацетонни ишлатманг, ахир тирноқ ҳам тана аъзоингизнинг бир бўлаги-ку. Лак ўчиридангиз суюқлик ишлатинг, унинг таркибида мавжуд мой ва бошқа тирноқни мустақамловчи моддалар — сифатдан дарак беради.

→ Агар тирноқ сарғимтир бўлса (бу кўпинча тирноққа тўқ рангли лак билан бўялгандан сўнг бўлади), унга дастлабки рангини лимон шарбати ёрдамида қайтаринг ва оч рангли лаклардан фойдаланишга урининг.

→ Тирноқларга шакл бағишловчи аррача металлдан ясалган бўлиши керак. Бошқача махсус картондан ишланганлари тирноққа зарар қилиши мумкин.

→ Аррачани тирноқлар бўйлаб фақат бир йўналишда юргизинг. ҳеч қачон олдинга ва орқага “арраланманг”.

→ Тирноқлар нотекислигини “махсус аррача” ёрдамида текислаш мумкин.

→ Тирноқларингизга махсус юмшатувчи мой суринг.  
→ Орадан 2-3 дақиқа ўтгач, махсус антибактериал хоссаларга эга ёғоч қуракча билан ортақча терини тирноқ остига томон итаринг. Бу ишни авайлаб бажаринг, терини қаттиқ босиш тирноқни нотекис ўсишига олиб келиши мумкин.

Бундай муолажалар тирноқ атрофида ортақча тери ўсишини тўхта-тади, тирноққа чиройли ва хушбичим кўриниш бахш этади. Фақат унга олдиндан химоя қилувчи қолама — лак учун база тайёрлашни унутманг. У, қоидага кўра, таркибида протеинлар, витаминлар, намлаштирувчи моддалар, тирноқларни мустақамловчи ва уни қатламлашидан сақловчи моддаларни сақлайди. Бу базани лаксиз ҳам қўйиш мумкин. Улар орасида айни вақтда тирноқларни мустақамлайдиганлари ҳам бўлади.

## ТИРНОҚЛАР ПАРҲЕЗИ

→ Овқатланиш рақсониди таркибида А витамини бор — сузма, сурт, жигар, тухум, сариёғ, балик, ёнғоқ ва сабзи каби махсулотлар бўлишига аҳамият беринг.

ДИЛБАР ВА ҲАМИДА тайёрлади.



**382** Ёшим 33 да. Асли Деновданман. Олий маълумотлиман. Касбим ўқитувчи. Онам билан яшайман. 40 ёшгача бўлган, ишлайдиган, касбли, уй-жойли, (иложи бўлса Тошкентда яшайдиган сурхондарёлик), оилани қадрлайдиган эркак билан турмуш қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Гулноз

**383** Асли тошкентликмиз. 37 ёшли қизим бор. Турмушга чиқмаган. Яхши жойда ишлайди. Озода ва оғир вазмин қизим барча уй юмушларини жойига қўйиб бажаради. 45 ёшлардаги, тошкентлик, ишлайдиган, уй-жойли, мустақил бир эркак бўлса қувв қилган бўлардим.  
**Манзилимиз тахририятда.**  
Гулнора опа

**384** Ёшим 44 да. Водийданман. Аёлим қазо қилган. Икки нафар фарзандим бор. Ўзим олий маълумотли ўқитувчиман. Уй-жойим етарли. Оилани моддий таъминлай оламан. (Қаердан бўлишининг фарқи йўқ) бефарзанд, 35 ёшгача бўлган, меҳрибон бир аёл бўлса уйланган бўлардим.  
**Манзилим тахририятда.**  
Мўминжон

**385** Ёшим 27 да. Акрашганман. Қорақалпоғистонликман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Пенсия оламан. Онам ва икки нафар укаларим билан яшайман. 35-40 ёшлардаги, уй-жойли, моддий таъминланган, тошкентлик эркак бўлса турмушга чиққан бўлардим.  
**Манзилим тахририятда.**  
Норбуви

**386** Ёшим 45 да. Акрашганман. Тошкентликман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Ишлайман, оилам моддий таъминланган. Ичмайман, чекмайман. 41 ёшгача бўлган, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), бир қизчаси бўлган, оқила аёл билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Абдулла

**387** Ёшим 45 да. Маълумотим олий. Баланд бўйли, келишган йигитман. Шифокор бўлиб ишлайман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Тошкентда уйи бўлган, ажрашган, бахтли бўлишни истаган аёл билан турмуш қуриш ниятидаман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Мухаммад

**388** Асли тошкентликмиз. Қизимнинг ёши 25да. Турмушга чиқмаган. Ишлайди. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, уй-жойли, тошкентлик эркак бўлса узатардик.  
**Манзилимиз тахририятда.**  
Салима опа

**389** Ёшим 65 да. Аёлим қазо қилган. Асли тошкентликман. 50 ёшгача бўлган, олий маълумотли, келишган, (иложи бўлса шифокор), ўзининг уйи бўлган аёл билан оила қуриш ниятидаман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Шарофиддин ота

**390** Асли сурхондарёликман. Ёшим 40 да. Акрашганман. Фарзандларим йўқ, 45 ёшгача бўлган, (иложи бўлса сурхондарёлик) ишлайдиган, ажрашган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Зарингиз

**391** Ёшим 44 да. Аёлим вафот этган. Асли водийданман. Олий маълумотли, ўқитувчиман. Икки нафар фарзандим бор. 35 ёшгача бўлган, фарзандсиз (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), меҳрибон, болаларимга она бўла оладиган аёлга уйланмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Мўминжон

**392** Ёшим 33 да. Сурхондарёликман. Турмушга чиқмаганман. Олий маълумотлиман. Касбим ўқитувчилик. Онам билан яшайман. 40 ёшгача бўлган, ишлайдиган, касбли, уй-жойли, жиддий эркакка турмушга чиқмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Гулноз

**393** Ёшим 35 да. Асли тошкентликман. Акрашганман. Ўзимнинг уй-жойим етарли. Тижоратчилик қиламан. Оилам моддий томондан таъминланган, дўстларим орасида обрў-эътиборим бор. 35 ёшгача бўлган, (тошкентлик бўлиши шарт), бефарзанд аёлга уйланмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Тўлқинбек

**394** Қизимнинг ёши 37 да. Ҳали турмушга чиқмаган. Яхши жойда ишлайди. Одобли, ораста ва хушрўй қизимнинг бахтли бўлишини жуда-жуда истайман. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган, касби бўлган, уй-жойи бор, жиддий, иймонли эркак бўлса қувв қилган бўлардик.  
**Манзилимиз тахририятда.**  
Гулшан опа

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва қуввларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

**395** Ёшим 42 да. Акрашганман. Зиёли оиладанман. Асли самарқандликман. Ҳозир Тошкентдаги нуфузли ташкилотда ишлайман. (Буйим 178), келишган, олижаноб, иймонли эркакман. Машинам бор. 35 ёшгача бўлган, хушрўй, зиёли оиладан бўлган, бефарзанд ёки бир қизчаси бўлган, уй-жойли аёлга уйланмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Мухиддин

## ОНАСИДЕК МЕҲРИБОН АЁЛ БЎЛСА...

**396** Ёшим 35 да. Исми Рус-там. Чирчиқдан келдим. Зарурат туғилгандан кейин инсон ҳамма жойга бош урар экан. Мана, тахририятга чора излаб келдим, - деди ийманибгина эшик ёнида турган баланд бўйли йигит.  
- **Чора излайман, дедингиз...**  
**Аниқроқ гапиринг-чи?**  
- Очигини айтсам, бу ҳақда ҳали ҳеч кимга гапирмагандим. Икки нафар фарзандим ҳам, ўзим ҳам жуда қийналиб кетдик... Беш йил аввал аёлим қазо қилди. Аёлим билан жуда яхши яшар эдик, биз бир-биримизни тушуниб яшаб, икки ўғлимизни тарбиялаётгандик. Кутилмаганда бу жудалик бошимга тушиб, анча эсанкираб қолдим. Бироқ, на чора?..  
Ҳаёт давом этавераркан... Мана, эгизак ўғилчаларим ҳозир 12 ёшга тўлишди. Мен эркак бўлсам-да, қўлимдан келганча ҳам оталик, ҳам оналик қилиб, уларни тарбиялаб келяпман. Бу жуда қийин экан. Оилада онанинг ўрни бошқача эканлигини ўз бошимга жудалик тушгандагина англадим.  
- **Орадан шунча вақт ўтибди. Кариндошлар сизни уйлантиришга ҳаракат қилишмадими?**  
- Э, қанча ҳаракат қилишди. Нене аёлларни рўпара қилишмади, дейсиз? Афсус... Уларнинг бирон-

тасини ҳам раҳматлик аёлимга ўхшата олмадим. Ўзимга маъқул бўлмаган аёлни уйимга олиб келгим келмади. Ўғай она ўз онасидек бўлармиди? - дея кўп уйладим. Сиқилдим. Йиллар давомида оиладаги барча юмушлар зиммамга тушди.  
Эркак одам бақувват бўлгани билан уй-рўзгор юмушлари ҳар қандайини ҳам чарчатиб қўяр экан. Балки кўнглимга мос, болаларимга меҳрибон она бўла оладиган аёлни газета орқали топарман?.. Оиламни моддий томондан етарли таъминлаб қўйганман. Ўз уйим бор. Қани энди, болаларимни ўз боласидек бағрига босадиган, самимий ва оқила аёл бўлса-ю, оиламга файз кирса...  
**Дунёда ҳар бир инсоннинг бағри ҳам, оиласи ҳам бут бўлсин экан! Тақдирни қаранг! Кимдир онага, кимдир биттагина тирноққа зор...**  
**Фарзандсизлик доғида қийналиб юрган аёллар ҳам бор. шундай аёллар овоз бериса-ю, Рустамбекнинг Ҳасан-Ҳусан фарзандларига оналик қилишса...** Уларнинг кўнгиноқларини кутамиз. Рустамнинг манзили эса тахририятда.

## ТАН МАҲРАМИ ЗАРУР

Хонага ширингина қизчани етаклаб маҳзунгина бир аёл кириб келди. Аёл сўрашга, ўтирди. Қўлидаги рўмончасини ўйнаганча гап бошлади:  
- Опажон, бир йилдирки онамиз йўқ. Биз-ку, ўз оиламиз, рўзгор ташвишларимиз билан банд бўлиб, жудаликка ҳам сал кўник-кандек эдик. Лекин отам...  
- **Отангизга нима бўлди?**  
- У кишининг ёши 78 да. Кекса эркакнинг ёлғиз қолиши жуда азоб экан. Тўрт хонали уйга сира сизгайдди, денг. Бизга бил-дирмасликка ҳаракат қилса-  
- **397** да, кўзларидеги дардни кўриб синглим иккимиз пана-панада йўғлаб оламиз. Айниқса, кечкурун бир ўзи қолишини ўйласак...  
- **Синглингиз ҳам турмушга чиққанми?**  
- Ҳа, уйда отамнинг ўзи қолган. Аслида онамни акамнинг доғи-ҳасрати адоий тамом қилди. Агар акам тирик бўлганида ҳам бунчалик мусибатга қолмасдик.  
- **Отангизга энди сизлар қара-япсизларми?**  
- Бошқа иложимиз ҳам йўқ-да. Ҳали эримиз, ҳали қайнона-қайнотамиз олдида мулзам бўлиб, бола-қақадан вақт ортириб келиш осон эмас-да. Бир ой мен қарасам, бир ой синглим келади.  
- **Отангиз сизларнинг хизматларингиздан норози бўлаётими?**

- Йўқ, у киши жуда оғир-вазмин одам. Отам билан суҳбатлашиб ўтиришдан ҳузур қиламиз. Жуда ҳам доно, умрлари давомида жуда кўп воқеаларни бошларидан кечирган. Биз ва набиралари билан зерикмасанда, лекин отамга биздан-да яқинроқ инсон, яъни бир тан маҳрами зарурлигини сезаяпман.  
Оқ сут берган онам ўрнига ўзга она излаш нақадар оғирлигини билсангиз эди? Лекин нима бўлганда ҳам отамизга яхши бўлсин, деймиш. Ич-ичидан эзилиш, ёстикдошини қўмсаш отамни бирор хасталикка йўлиқтирмасин, деб қўрқаман. Қани эди, бирор мўмина, оқ кўнгил аёл бўлса... У кишини бошимизга кўтарардик. Фарзандлари бўлса ака-сингил бўлиб кетардик.  
**Аёл кўз ёшларини артаркан:**  
- **Энди бор умидимиз сизлардан, ёрдам берасизлар-а? - дея, дардини тўкиб солгани учун узр сўраб чиқиб кетди. Бу аёлнинг манзили тахририятда. Танишиш истагида бўлганларнинг ташрифлари ёки кўнгиноқларини кутамиз.**  
БАСИРА

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси** босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20:00.  
Босишга топширилди - 19:00  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru  
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Бош муҳаррир: 134-86-91  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46  
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Web-site: oilavajamiyat.uz  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 11162  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Х. ХОТАМБОВА  
Мусахҳиях — С. САЙДАЛИМОВ  
1 3 4 5 6